Ватанни севмак иймондандур!

Ўзбекистон овози

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг газетаси

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

1995 йил 7 март, сешанба №30 (21.793.) Сотувда эркин нархда.

ОРОЛ — БАРЧАМИЗНИНГ ДАРДИМИЗ

3 март куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг Орол денгизи муаммосига бағишланган анжуманида иштирок этиш учун Туркманистон Республикасининг Тошҳовуз вилоятига ташриф буюрди.

Орол денгизи муаммоси бугунги кунда Марказий Осиё халқларининг ягона дардига айланди. Денгиздаги сув сатҳининг пасайиб бориши, минтақадаги табиий мувозанатнинг бузулиши оқибатида экологик буҳрон юзага келди. Бу нафақат Оролбуйи ҳудудида, балки иқтисодий жиҳатдан ўтиш даврини бошдан кечираётган Марказий Осиё мамлакатлари табиий муҳитида, қишлоқ хўжалигида ҳам ўз аксини топмоқда. Минглаб гектар ерлар сувсиз қолди. Мутахассислар денгиз чекиниши натижасида ҳосил бўлган қумликлардан кўтарилган турли минерал тузлар ҳатто Помир тоғидаги музликлар устини ҳам қоплаганини аниқлашган эди.

Мамлакатимиз раҳбари Оролни сақлаб қолиш, денгизнинг қуриши натижасида юзага келадиган табиий номутаносиблик оқибатлари аллақачон минтақа доирасидан чиқиб, халқаро аҳамият касб этганини бир неча бор таъкидлаган. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик кенгаши каби нуфузли ташкилотлар минбаридан туриб жаҳон ҳамжамияти, ривожланган давлатлар ушбу муаммони ҳал этишга тезлик билан бош қўшишлари лозимлигини айтган эди.

Марказий Осиё давлатлари ўз мустақиллигининг дастлабки йилларидаёқ иқтисодий қийинчиликларга қарамай, Орол денгизини сақлаб қолиш, минтақадаги экологик вазиятни барқарорлаштириш йўлида кучларни бирлаштириш, баҳамжиҳат, ҳамкорликда фаолият кўрсатиш лозимлигини англаб етдилар. 1993 йили Марказий Осиё давлатлари раҳбарлари ана шу мақсадда Қозоғистон Республикасининг Қизил Ўрда вилоятида йиғилдилар. 1994 йили эса Қорақалпоғистон Республикаси пойтахти Нукус шаҳрида Орол денгизи муаммосига бағишланган иккинчи учрашув ўтказилди.

Давлат раҳбарларининг ушбу икки учрашуви давомида Орол муаммоларини ҳал этиш, экологик таназзул минтақасидаги аҳоли турмушини яхшилаш борасида талай силжишлар рўй берди. Жумладан, Орол денгизини қутқариш бўйича халқаро жамғарма, давлатлараро кенгаш ва унинг ишчи органлари ташкил этилди. Нукусдаги учрашувда давлатлараро кенгашнинг «Яқин 3-5 йил ичида минтақанинг ижтимоий-иқтисодий ривожини таъмин этган ҳолда экологик аҳволни барқарорлаштириш бўйича аниқ чора-тадбирлар дастури» қабул қилинган эди.

Марказий Осиё давлатлари раҳбарлари амалга оширилган ва оширилаётган ишларни кенг таҳлил этиш, амалий чора-тадбирларни янада кучайтириш мақсадида бу гал Тошҳовуз вилоятига йиғилдилар.

Тошҳовуз вилояти аэропорти Марказий Осиёдаги беш давлат байроқлари билан безатилган. Минг йиллар давомида ёнма-ён яшаб, қон-қариндош бўлиб келган, маданий-маънавий анъаналари бир булоқдан сув ичган ушбу халқлар раҳбарларининг учрашуви муборак Рамазон ҳайити байрами қувончлари билан қўшилиб кетди.

Байрам тусини олган аэропортда Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовни Туркманистон Президенти Сапармурод Ниёзов кутиб олди. Кутиб олиш маросимида Ўзбекистон Республикасининг Туркманистондаги фавқулодда ва мухтор элчиси Абдулаҳат Жалилов ҳам ҳозир бўлди.

Тошҳовузликларнинг етти яшаридан етмиш яшаригача Марказий Осиё давлатлари раҳбарлари, жумладан, Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовни кутиб олиш учун кўчага чиққан. Орол денгизи муаммоси туфайли жабр чекаётган вилоят аҳолиси давлат бошлиқларининг ушбу учрашувига катта умид билан қараётгани табиийдир. Бугунги кунда Орол денгизи атрофидаги 10 миллиондан ортиқ аҳоли экологик фалокат оқибатларини бошдан кечирмоқда.

Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов, Қозоғистон Президенти Нурсултон Назарбоев, Қирғизистон Президенти Асқар Акаев, Тожикистон Президенти Имомали Раҳмонов, Туркманистон Президенти Сапармурод Ниёзов иштирокидаги анжуман Тошҳовуз вилояти ҳокимлигида бошланди. Уни Туркманистон раҳбари С. Ниёзов очди. Шундан сўнг Қозоғистон Президенти Н. Назарбоев Орол денгизини қутқариш бўйича халқаро жамғарма фаолияти ҳақида маъруза қилди. Кенгаш кун тартибига киритилган асосий масалалардан бири ҳам мазкур жамғармага маблағ ажратилишини муҳокама этиш эди.

Ушбу жамғарма бугунги кунда жаҳон жамоатчилиги, халқаро молиявий ташкилотлар эътиборини тортмоқда. Жаҳон банки Оролбуйи ҳудудида табиий мувозанатни тиклаш, аҳоли турмушини яхшилашга қаратилган лойиҳаларни маблағ билан таъминлашга рози. Европа иттифоқи, ЕХҲТ каби нуфузли ташкилотлар ҳам жамғарма фаолиятини қўллаб-қувватлаётир.

Ислом Каримов кенгаш иштирокчилари диққатини Орол денгизига қуйилиши лозим бўлган сув Амударё ва Сирдарё бўйлаб қурилган сув омборлари, баҳорги тошқинлар туфайли денгизга етиб келмай, йўл-йўлакай сунъий кўллар ҳосил қилаётганига қаратди. Бундай ҳоллар икки дарёдан сув ичувчи беш мамлакатда ҳам юз бермоқда.

Давлат раҳбарлари анжуманида Оролни қутқариш бўйича халқаро жамғарма ва давлатлараро кенгаш ижроия қўмитасининг таркиби билан боғлиқ масалалар ҳам кўриб чиқилди.

Н. Назарбоев иккинчи марта Оролни қутқариш бўйича халқаро жамғарма президентлигига сайланди.

Шу йилнинг 18-20 сентябрь кунлари Нукус шаҳрида БМТ билан ҳамкорликда Орол денгизи муаммоси бўйича халқаро анжуман ўтказиш ҳақидаги Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг таклифи яқдиллик билан маъқулланди.

Давлат раҳбарлари Орол денгизини қутқариш бўйича давлатлараро кенгаш ижроия қўмитаси фаолияти, унинг белгиланган чора-тадбирлар дастури юзасидан амалга ошираётган ишлари ва келгуси ҳамкорлик режаларини муҳокама этдилар. Анжуман якунида давлат раҳбарларининг ушбу учрашув якунларига оид қўшма баёноти қабул қилинди. Шу куни анжуман ўз ишини тугатди.

Сафар давомида Ўзбекистон раҳбарига республика Бош вазирининг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков, Қорақалпоғистон Жўқорғи Кенгеси Раиси У. Аширбеков, Хоразм вилояти ҳокими М. Жуманиёзов ва бошқа расмий кишилар ҳамроҳлик қилди.

Шу куни Ислом Каримов Тошкентга қайтиб келди. Мамлакатимиз раҳбарини Ўзбекистон Олий Мажлиси Раиси Э. Халилов, республика Бош вазири А. Муталов, Президентнинг Давлат маслаҳатчилари Т. Алимов, Б. Ғуломов, ташқи ишлар вазири А. Комилов, Тошкент шаҳри ҳокими К. Тўлаганов ва бошқа расмий кишилар кутиб олди.

Муҳаммад ШАРИФ. (ЎзА махсус мухбири).

Тошкент — Тошҳовуз — Тошкент.

***

СУРАТДА: матбуот конференцияси пайти.

Ф. ҚУРБОНБОЕВ (ЎзА) олган сурат.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

«ХОРАЗМ ҲАҚИҚАТИ» ГАЗЕТАСИНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ФАХРИЙ ЁРЛИҒИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизнинг халқ хўжалиги, илму фани ва маданий ҳаётини ёритиш борасидаги муносиб фаолияти учун Хоразм вилояти халқ депутатлари Кенгаши ва вилоят ҳокимлигининг «Хоразм ҳақиқати» газетаси Ўзбекистон Республикасининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
1995 йил 6 март.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АЁЛЛАРИДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Иқтисодиёт, илм-фан, маданият, халқ таълимини ривожлантиришдаги катта хизматлари ва фидокорона меҳнати учун ҳамда 8 Март Халқаро хотин-қизлар куни муносабати билан қуйидагиларга фахрий унвонлар берилсин:

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ФАН АРБОБИ»

ШАЙХОВА Хатима Омиловна — Тошкент Давлат иқтисодиёт университети кафедраси профессори, Тошкент шаҳри.

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН МАДАНИЯТ ХОДИМИ»

КИМ Клавдия Николаевна — Бухоро вилоят Давлат филармонияси бош рақс саҳналаштирувчиси;

(Давоми 2-бетда).

ЎЗБЕКИСТОН ХОТИН-ҚИЗЛАРИГА БАЙРАМ ТАБРИГИ

Азиз ва муҳтабар онахонлар!
Қадрли опа-сингиллар!

Мустақил мамлакатимизда кенг нишонланадиган байрам — гўзаллик ва нафосат тимсоли — Халқаро хотин-қизлар куни — 8 Март билан ҳаммангизни муборакбод этамиз. Баҳор нафаси уфураётган ушбу кун иффат ва меҳр-муҳаббат рамзи ҳамдир.

Инсонга ҳаёт бахш этувчи, унинг бешигини тебратувчи, меҳнаткаш, ақли расо, мунис оналарни, истиқлолимизни авайлаб-асраш, суюкли Ватанимизнинг буюк келажагини яқинлаштириш ишига бебаҳо ҳисса қўшаётган опа-сингилларимизни ҳар қанча ардоқласак, ҳурмат қилсак, эъзозласак арзийди. Шу боис, Президентимиз И. А. Каримов бошчилигидаги республикамиз раҳбарияти хотин-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, турмушини яхшилаш, соғлигини мустаҳкамлаш, изчил сиёсатини юритиб келмоқда, оналик, болалик соғлом авлодни шакллантириш тўғрисида алоҳида ғамхўрлик қилмоқда.

Биз бундан кейин ҳам шу йўлдан изчил бориш, хотин-қизларнинг яхши яшашлари, ўқишлари, меҳнат қилишлари, ижтимоий-сиёсий ҳаётда фаол иштирок этишлари, табиат ато этган оналик, бекалик бурчини кўнгилдагидек бажаришлари учун барча шарт-шароитларни яратиш тарафдоримиз ва шундай кунларнинг тез келишига қатъий ишонамиз.

Азизлар! Ҳаммаларингизга саодатли ҳаёт гаштини суриш, фарзандларингизнинг ҳузур-ҳаловатини кўриш истагини йўллаймиз, гўзаллик, мафтункорлик, латофат, меҳрибонлик сизларни ҳеч қачон тарк этмаслигини тилаймиз.

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши
Сиёсий ижроия қўмитаси.

СЕН МУҚАДДАССАН, АЁЛ!

Она табиат яратган энг буюк қашфиётлардан бири Аёл булса, ажаб эмас. Ҳаётимизнинг қайси жабҳасига қараманг, муҳтарам онахонларимизни, жондан азиз опа-сингилларимизни кўрамиз. Ҳа, улар — меҳрибон мураббия, ширинсухан шифокор, илм қўрғонларини забт этаётган олима, эл дардини қўйлаётган шоира, гайрати толмас пахтакору пиллакор, изланувчан тадбиркор, халқ хизматига камарбаста жамоат арбоби. Ва, энг муҳими, улар — шуларнинг барчасини узида жам этган, дунё бешигини тебратувчи, қалби эзгуликка лиммолим мунис Она!

Бу эзгу ҳис-туйғулар Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгашида Халқаро хотин-қизлар куни – 8Март шарафига утказилган қабул маросимида яна бир бор изҳор қилинди. Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши биринчи котиби Абдулҳафиз Жалолов бу ерга ташриф буюрган республикамизнинг бир гуруҳ фаол аёлларини қутлуг айём билан чин дилдан муборакбод этди. У Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов, ҳукуматимиз ижтимоий-иқтисодий ва маданий тараққиёт масалаларини ҳал қилишга хотин-қизларни кенг жалб этиш, уларнинг давлат ва жамиятни бошқаришдаги иштирокини кенгайтириш, хотин-қизларнинг кундалик турмуши билан боғлиқ муаммоларни ҳал қилиш, уларга ҳар томонлама қулайликлар яратиш, табиат ва ҳаётнинг ўзи томонидан маънан ва жисмонан соғлом еш авлодни вояга етказишда алоҳида урин тутишга даъват этилган аёлларимиз тўғрисида ҳар томонлама ғамхўрлик кўрсатаётганликларини таъкидлаб ўтди. Биринчи котиб мамлакатимизда адолатли жамиятни, қудратли демократик, инсонпарвар давлатни барпо этишда, шунингдек, Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг дастурий мақсадлари ва гояларини ҳаётга тадбиқ қилишда хотин-қизларнинг урни ва аҳамияти беқиёс эканлигини қайд этди.

Истиқлолни мустаҳкамлаш, Ўзбекистоннинг буюк келажагини яқинлаштириш йўлида фидойилик кўрсатиш — мамлакатимиз ҳар бир фуқаросининг муқаддас бурчидир. Бугун она-Ватанимизга мустақиллигимизни баркамол этадиган фарзандлар керак. Биз аёлларимизнинг Спарангисдек мард, Мирзо Улуғбекдек зукко олим, Хожа Аҳмад Яссавийдек донишманд, Амир Темурдек юртпарвар, Абу Али ибн Синодек фозил, Мирзо Бобурдек салоҳиятли фарзандларни тарбиялаган Тумариседек мардона, Сароймулкхонимдек оқила, Қорасоч-ойимдек ғамхўр, Такинахотундек сабрли, Ситорабонудек ўқимишли, Қутлуғниғорхонимдек меҳрибон бўлишларини истаймиз.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Раиси ўринбосари Бўритош Шодиева, Ўзбекистон ФА Археология институти бош мутахассиси, академик Галина Пугаченкова, Ўзбекистон ФА Микробиология институти катта илмий маслаҳатчиси, академик Машҳура Мавлоний, Ўзбекистон ФА Киме ва полимерлар физикаси институти директори, Олий Мажлис депутати Сайёра Рашидова, Ўзбекистон Республикаси Халқаро маданий-маърифий алоқалар миллий уюшмаси раисининг биринчи ўринбосари Насиба Иброҳимова, Ўзбекистон Театр арбоблари уюшмаси раиси, халқ артисти Бернора Қориева эзгуликлар учун миннатдорчилик билдиришди. 8 Март байрами бу йил биринчи марта дуне миқесида расмий равишда нишонланиши, дейишди улар, хотин-қизларнинг жамиятдаги мавқеи кундан-кунга ошиб бораётганлигини кўрсатмоқда. Бунга юртимиз аёлларининг фаолияти яққол мисолдир. 15 нафар хотин-қизнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлигига сайланганлиги, уларнинг яратувчилик ишлари жаҳон ҳамжамиятида тан олинаётганлиги шундан далолатдир.

Учрашувда республика Хотин-қизлар қўмитаси ва унинг жойлардаги ташкилотларининг Президентимиз томонидан Олий Мажлис биринчи сессиясидаги маърузада олга сурилган вазифаларни бажаришда, шу йил 26 мартга белгиланган референдум ижобий натижа беришини таъминлашга қаратилган тадбирларни руёбга чиқаришда фаол қатнашишлари зарурлиги таъкидлаб ўтилди.

Кеча охирида меҳмонларга Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши Фахрий ёрлиқлари ва совғалари топширилди.

Қабул маросимида Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши Котибияти аъзоси Л. Ғуломов ва Ўзбекистон ХДП Марказий тафтиш комиссияси раиси У. Тўрғунов ҳозир бўлдилар.

Ўзбекистон ХДП МК Матбуот маркази.

ПРЕЗИДЕНТ ҲУЗУРИДА ҚАБУЛ

6 март куни Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов Германия «Йеноптик ГМБХ» фирмаси бошқаруви раиси доктор Лотар Шпэт раҳбарлигидаги делегацияни қабул қилди.

Мамлакатимиз Президенти меҳмонларни юртимизга ташрифи билан қутлар экан, уларга мамлакатимизда хорижлик сармоядорлар учун яратилган шароит ва қулайликлар ҳақида сўзлаб берди. Ўзбекистон турли хорижий давлатлар, жумладан, Германия билан кенг ҳамкорликни йўлга қўяётганини айтди.

Доктор Лотар Шпэт самимий қабул учун миннатдорлик изҳор этиб, ўзи раҳбарлик қилаётган фирманинг Ўзбекистон билан ҳамкорлик режалари хусусида сўзлади.

Учрашувда Республика Бош вазири ўринбосари — ташқи иқтисодий алоқалар вазири Ў. Султонов, Бош вазир ўринбосари — республика молия вазири Б. Ҳамидов иштирок этди.

Қабул маросимида Германиянинг Ўзбекистондаги фавқулодда ва мухтор элчиси К. Куна ҳозир бўлди.

***

Шу куни «Йеноптик ГМБХ» фирмаси делегацияси республика Вазирлар Маҳкамасига ҳам ташриф буюрди.

(ЎзА).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ, ҚОЗОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ, ҚИРҒИЗИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ, ТОЖИКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВА ТУРКМАНИСТОН ПРЕЗИДЕНТЛАРИНИНГ ҚЎШМА БАЁНОТИ

1995 ЙИЛ 3 МАРТ, ТОШҲОВУЗ ШАҲРИ.

Биз, Тошҳовуз шаҳрида Орол муаммоларига бағишланган йиллик кенгашга тўпланган Ўзбекистон Республикаси, Қозоғистон Республикаси, Қирғизистон Республикаси, Тожикистон Республикаси ва Туркманистон Президентлари икки томонлама ва кўп томонлама музокаралардан сўнг қуйидагиларни маълум қиламиз:

Минтақамиз ҳозирги пайтда ўз тарихидаги муҳим, кескин бурилиш даврини бошдан кечирмоқда. Давлатларимиз мустақиллик ва истиқлолга эришган пайтдан бошлаб ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, маданий тараққиётимизда чуқур таркибий ўзгаришлар содир бўлмоқда. Бугунги кунда давлат ва жамиятнинг демократик ташкилотлари шаклланиши учун асос солинмоқда.

Ҳозирги даврнинг муҳимлигини ҳисобга олиб, мамлакатларимиз халқлари ҳаётининг ҳозирги ҳолати ва келажаги учун масъулиятни ҳис этган ҳолда, биз тенг ҳуқуқли ҳамкорлик, яхши қўшничилик ва узаро ҳурмат давлатларимизнинг бир-бирига узаро муносабатида асосий тамойиллар бўлиб қолишини тасдиқлаймиз. Биз мамлакатларимиз ўртасида сиёсий, савдо-иқтисодий, илмий-техник, маданий ва ижтимоий соҳаларда мустаҳкам ҳамкорлик қилиш учун мақбул шарт-шароит яратиб беришга ҳар томонлама кўмаклашишга тайёр эканимизни баён қиламиз.

Тошҳовузда тўпланган Марказий Осиё давлатлари бошлиқлари Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг 1995 йил 18-20 сентябрь кунлари Нукус шаҳрида Орол денгизи муаммоларига бағишланган халқаро конференция ўтказиш ҳақидаги таклифини маъқуллайдилар ва қўллаб-қувватлайдилар. Биз бу тадбирни жаҳон ҳамжамиятининг мазкур оламшумул муаммони ҳал этишда манфаатдор томон сифатида иштирок этиши деб биламиз.

Мазкур минтақада истиқомат қилаётган халқлар тарихий, маданий тараққиётининг муштараклиги билан бирлашгандир, уларни асрий анъаналар ва маънавий қадриятлар жипслаштириб туради. Улар ҳар доим ўзаро ҳурмат, тинч-тотувлик ва яхши қўшничилик руҳида биргаликда яшаб келишган.

Умумий маънавий қадриятлар билан бир қаторда бизни, шунингдек, энергетик, сув ва минтақанинг бошқа табиий ресурсларидан фойдаланишга асосланган анъанавий савдо-иқтисодий алоқалар ҳам бирлаштириб туради.

Биз, янги давлатларнинг раҳбарлари, буни унутмаслигимиз, буюк аждодларимиздан қолган бой меросни бундан кейин янада бойитиш, бу бойликдан мамлакатларимиздаги мавжуд иқтисодий салоҳиятни янада юксалтириш йўлида фойдаланишга амалий ишларимиз билан кўмаклашишимиз лозим. Бу салоҳиятдан экологик тусдаги ҳаётий муҳим масалаларни ҳал этишда фойдаланиш даркор. Орол муаммоси бу масалаларнинг энг муҳими ҳисобланади.

Мамлакатларимиз бугунги кунда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти, МДҲ ҳамда бошқа нуфузли халқаро ташкилотларга аъзодир. Биз ташқи сиёсатда халқаро ҳуқуқларнинг барча эътироф этган тамойилларига риоя этган ҳамда уларга амал қилган ҳолда, ҳудудий яхлитлик ва бир-бирмизнинг мустақиллигимизни сўзсиз ҳурмат қилиш, тарихий шаклланган чегараларни тан олиш лозимлигини эътироф этамиз. Биз шунингдек, ҳар бир давлатнинг ўз тараққиёт йўлини, давлат ва жамият қурилиши андозаларини танлаб олиш ҳуқуқини эътироф этамиз, ўзимизнинг бир-биримизга нисбатан мақсадларимиз бирлигига шубҳа уйғотувчи, нодустона кучлар манфаатларига хизмат қилувчи баёнотлардан тийилиб туришга тайёр эканимизни баён этамиз.

Биз давлат қурилиши, мамлакатларимизда демократик қадриятларга асосланган, экстремизмнинг сиёсий, диний ва бошқа шаклларини рад этадиган адолатли жамият барпо қилиш соҳасида ҳам худди шундай вазифаларни ҳал қилмоқдамиз.

Биз бир-биримиз билан ҳамда бошқа мамлакатлар билан ҳам икки томонлама, ҳам кўп томонлама, ҳам тенг ҳуқуқли ва ўзаро фойдали ҳамкорлик қилишга тайёр эканимизни, мамлакатларимиз ва халқларимизнинг гуллаб-яшнаши ва равнақ топишига эришишнинг асоси бўлмиш бу тамойилларга оғишмай амал қилишимизни таъкидлаймиз.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ,
Қозоғистон Республикаси Президенти Н. НАЗАРБОЕВ,
Қирғизистон Республикаси Президенти А. АКАЕВ,
Тожикистон Республикаси Президенти И. РАҲМОНОВ,
Туркманистон Президенти С. НИЁЗОВ.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АЁЛЛАРИДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда).

КОНДРАТЕНКО Вера Петровна — Самарқанд махсус илмий-таъмирлаш ва ишлаб чиқариш устахонаси цех бошлиғи, Самарқанд вилояти;

МИРЖАЛИЛОВА Ҳожар Ҳайдаровна — Сирдарё вилояти хотин-қизлар қўмитаси раиси;

ТЎЛАГАНОВА Муҳайё Мирзаалиевна — касаба уюшмалари Тошкент вилоят кенгаши раиси;

ЙЎЛЧИЕВА Гулнора Деҳқоновна — Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек тумани ижтимоий таъминот бўлими мудири, туман хотин-қизлар қўмитаси раиси;

ЧИТКАУСКЕНЕ Галина Максимовна — «Маҳаллий саноат» Давлат корпорацияси амалий санъат музейи директори.

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ХОДИМИ»

ЭРГАШЕВА Патила — Фарғона вилояти Бувайда туманидаги «Дўстлик» жамоа хўжалиги бригадири.

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ХОДИМИ»

ВОҲИДОВА Раъно Толибовна — Тошкент Давлат педагогика институти кафедра доценти;

НОРҚУЛОВА Рая Рўзиевна — Жиззах Давлат педагогика институти ўқитувчиси;

РЕШЕТНИК Светлана Николаевна — Навоий шаҳар, С. Раҳимов номидаги 18-мактаб ўқитувчиси;

ХИДИРНИЁЗОВА Перухон — Тахтакўпир тумани, 1 Май номли мактаб директори, Қорақалпоғистон Республикаси.

ҚУЙИДАГИЛАР ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАХРИЙ ЁРЛИҒИ БИЛАН МУКОФОТЛАНСИН:

ОРТИҚОВА Солия — Хонқа тумани Қорақош қишлоғидаги «Равшан» фермер хўжалигининг мудири, Хоразм вилояти;

ОТАЖОНОВА Оқилжон — Тўрткўл тумани Охунбобоев номидаги Овул фуқаролар йиғини раиси, Қорақалпоғистон Республикаси;

АШУРОВА Маруса Хазратовна — Жондор туманидаги «Зарафшон» жамоа хўжалиги хотин-қизлар кенгаши раиси, Бухоро вилояти;

БАХРОНОВА Ҳалима — Самарқанд шаҳридаги «Кийим» акционерлик жамияти раиси, Самарқанд вилояти;

ҒУЛОМОВА Нурпошша Ғаниевна — Тошкент Давлат техника университети кафедра мудири;

ЖУМАБОЕВА Замира Ҳамролиевна — Фарғона вилояти саноат-савдо концерни «Истиқбол» акционерлик жамияти тикувчиси;

ЖУНАШЕВА Эркиной Ёндашевна — Поп тумани ҳокимининг ўринбосари, Наманган вилояти;

ЁДГОРОВА Рашида Тўлановна — Арнасой тумани алоқа тармоғининг телефончиси, Жиззах вилояти;

ИНОЯТОВА Саодат — Музрабод тумани хотин-қизлар қўмитаси раиси, Сурхондарё вилояти;

ЭРНИЁЗОВА Ойжамол Асроровна — «Сурхон» шифохонасининг бош шифокори, Сурхондарё вилояти;

ҚАҲҲОРОВА Саидахон Ваҳобовна — Тўрақўрғон тумани ёшлар ташкилотлари иттифоқининг биринчи котиби, Наманган вилояти;

ҚЎНИРБОЕВА Зара Журекбоевна — Нукус тикувчилик-трикотаж фабрикаси тикувчи-мотористкаси, Қорақалпоғистон Республикаси;

ҚУРБОНОВА Пошшохон Иномовна — Норин тумани марказий касалхонаси қошидаги «Учтепа» қишлоқ фельдшер-акушерлик пункти мудири, Наманган вилояти;

МАВЛОНОВА Шоҳида Маликовна — Тошкент шаҳар хотин-қизлар қўмитаси раисининг ўринбосари, Тошкент шаҳри;

МАТСАЛЛАЕВА Норпошшо — Шовот туманидаги «Дилдора» фирмаси чевари, Хоразм вилояти;

НАЛБАНДЯНЦ Роза Амиржоновна — Самарқанд шаҳридаги «Ўзагромахсусқурилиш» халқ корхонаси раиси;

ОДИЛОВА Муҳаббат Иброҳимовна — «Космос» ташқи иқтисодий алоқалар уюшмасининг Хатирчи туманидаги «Парвоз» филиали директори, Навоий вилояти;

ОТАХОНОВА Ҳакимахон — Тошкент ёш томошабинлар театри актрисаси, Тошкент шаҳри;

РАҲМАТОВА Мария Раҳматовна — «Навоийазот» ишлаб чиқариш бирлашмаси санаторий-профилакторийсининг бош шифокори, Навоий вилояти;

САМИБОЕВА Жамилахон — Олтинкўл туманидаги 10-мактаб ўқитувчиси, Андижон вилояти;

СОТВОЛДИЕВА Ҳамида Жўраевна — Янгийўл шаҳридаги 15-мактабнинг ўқитувчиси, Тошкент вилояти;

УМАРОВА Шаҳрибону — Шаҳрисабз туманидаги Мўминобод қишлоғи фуқаролар йиғини раиси, Қашқадарё вилояти;

УМЕНТАЕВА Любовь Филипповна — Сирдарё шаҳар хотин-қизлар қўмитаси раиси, Сирдарё вилояти;

ЎТКИРОВА Насиба Рўзибоевна — Нишон тумани хотин-қизлар қўмитаси раиси, Қашқадарё вилояти;

ХАИТОВА Робахон — Комсомолобод туманидаги «Оқ олтин» электр алоқа тармоғи телефончиси, Андижон вилояти;

ХАЛИЛОВА Тўлқиной Абдужалиловна — Боғдод туманидаги 20-мактаб ўқитувчиси, Фарғона вилояти;

ХЎЖАЕВА Кимёхон Муҳамедовна — Ўзбекистон давлат телерадиоси ахборот дастури масъул муҳаррири, Тошкент шаҳри;

ЮСУПОВА Маҳбуба — Янгийўл тумани «Янгийўл» газетаси масъул котиби.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1995 йил 6 март.

ПРЕЗИДЕНТГА ҚУТЛОВЛАР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Муборак Руза ҳайити муносабати билан самимий табрикларимни йўллайман.

Муҳаммад Ҳусни Муборак,
Миср Араб Республикаси Президенти.

***

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Бисмиллоҳир раҳмонир роҳийм!

Муқаддас Ийд ал-Фитр байрамини кутиб олар эканмиз, Сиз жаноби олийларини Саудия Арабистони подшолиги халқи ва ҳукумати номидан ҳамда шахсан ўз номимдан шу қутлуг сана муносабати билан самимий табриклаш менга мамнуният бағишлайди.

Қодир Оллоҳдан шундай байрамларни кўришни яна насиб этишини, Сиз жаноби олийларига сиҳат-саломатлик ва бахт-саодат, қардош Ўзбекистон халқига ҳамда барча аҳли исломга жипслик, равнақ ва уларнинг эзгу мақсадларига етказишини илтижо қиламан.

Самимий ҳурмат билан
икки муқаддас масжид ходими
Фаҳд ибн Абдул Азиз ол Сауд,
Саудия Арабистони подшоси.

***

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Бисмиллоҳир раҳмонир роҳийм!

Муқаддас Ийд ал-Фитр байрами бошлангани муносабати билан Сиз жанобий олийларига самимий табрикларимни, мустаҳкам сиҳат-саломатлик ва бахт-саодат тилаб, қардошлик истакларини йўллашдан хурсандман.

Қодир Оллоҳдан яна шундай байрамларни кўришни насиб этишини, Сиз жаноби олийларига, қардош Ўзбекистон халқига ва барча ислом аҳлига эзгулик ва равнақ келтиришни илтижо қиламан.

Оллоҳ сизни ўз паноҳида асрасин!

Абдулла ибн Абдул Азиз ол Сауд,
Саудия Арабистони валиаҳди,
Вазирлар Кенгаши Раисининг
ўринбосари, миллий гвардия бошлиғи.

***

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Муборак Руза ҳайити муносабати билан Сиз жаноби олийларига шахсан ўз номимдан ҳамда Тунис ҳукумати ва халқи номидан қизғин табриклар йўллашдан бахтиёрман.

Сизга сиҳат-саломатлик ва бахт-саодат тилаб, Аллоҳ таолодан қардош халқингизга тараққиёт ва бутун мусулмон умматига равнақ ато этишини илтижо қиламан.

Зайн ал-Обидин ибн Али,
Тунис Республикаси Президенти.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ РЕФЕРЕНДУМИНИ ЎТКАЗУВЧИ МАРКАЗИЙ КОМИССИЯНИНГ ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ РЕФЕРЕНДУМИНИ ЎТКАЗУВЧИ ОКРУГ КОМИССИЯЛАРИНИ ТУЗИШ ТЎҒРИСИДА

«Ўзбекистон Республикасининг Референдуми тўғрисида»ги Республика Қонунининг 18-моддасига мувофиқ, Тошкент шаҳри ва вилоятлар ҳокимларининг ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раисининг тақдимномаларига биноан, Марказий комиссия **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

Ўзбекистон Республикаси Референдумини ўтказувчи 14 та округ комиссиялари қуйидаги таркибда тузилсин:

1. Тошкент шаҳар округ комиссияси

Комиссия раиси:
Жалилов Шухрат Илҳомович — Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари

Раис ўринбосари:
Зокиров Низомиддин Дониевич — Тошкент шаҳар адлия бошқармаси бошлиғи

Комиссия котиби:
Яцуненко Зинаида Филипповна — «Ўзбум» ижарадаги корхона касаба уюшмаси қўмитасининг раиси

Комиссия аъзолари:
Галиев Рамиль Хаирович — Инженер-техник изланишлар институти директори
Липина Валентина Ивановна — «Ўзбекистон» терини қайта ишлаш ҳиссадорлик жамияти контролёри
Расулов Ботир Қодирович — 5-таксопарк аккумуляторчиси
Сотников Юрий Дмитриевич — Тошкент шаҳар Фахрийлар кенгаши раисининг ўринбосари
Соҳибов Яшин Даминович — Ўзбекистон гематология ва қон қуйиш илмий-текшириш институти директори
Турсунова Азиза Акрамовна — болалар суяк-сил касаллиги санаторийси бош шифокори
Умаров Баҳодир Валиевич — «Физика-Қуёш» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси муҳандислик марказининг раҳбари
Эрназаров Эркин Мадиёрович — «Тошкент оқшоми», «Вечерний Ташкент» газеталари бош муҳаррири

2. Андижон округ комиссияси

Комиссия раиси:
ЮСУПОВ Машарип Юсупович — Андижон вилояти ҳокимининг биринчи ўринбосари

Раис ўринбосари:
Акбаров Неъматжон Набижонович — Давлат мулкини хусусийлаштириш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш қўмитаси вилоят бошқармаси бошлиғи

Комиссия котиби:
Ортиқов Раҳмонберди — Андижон шаҳар меҳнат ва бандлик (меҳнат биржаси) бўлимининг бошлиғи

Комиссия аъзолари:
Абдураҳмонова Умматхон — Олтинкўл тумани Қўмакай қишлоқ амбулаториясининг шифокори
Омонов Рустамжон — Избоскан туман коммунал-хўжалик бошқармасининг бошлиғи
Тўрақулов Каримжон Абдушукурович — Андижон шаҳар 6-поликлиника шифокори
Киргизбоев Икромжон — Асака шаҳар 1-пахта тозалаш заводи бўёқчиси
Козоқов Шавкат Умрзоқович — Булоқбоши тумани, 1-ўрта мактаб директори
Корабоев Мўйдин — Андижон шаҳар «Электродвигатель» заводи техника назорати бўлимининг бошлиғи

3. Бухоро округ комиссияси

Комиссия раиси:
Ҳамроев Қобил Шарипович — Бухоро вилояти ҳокимлиги адлия бошқармасининг бошлиғи

Раис ўринбосари:
Ражабова Мавлуда Солижоновна — Бухоро вилоят енгил саноат ходимлари касаба уюшмаси қўмитасининг раиси

Комиссия котиби:
Ҳамроева Мастура Исмоиловна — Ёшлар иттифоқи вилоят қўмитаси қошидаги болалар ва ўсмирлар уюшмасининг раиси

Комиссия аъзолари:
Бобоев Асрор Асланович — Вобкент тумани, Р. Ҳусенов номли жамоа хўжалиги бошқарувининг раиси
Власова Ирина Федоровна — Когон тумани ҳокимлиги истиқболни белгилаш ва статистика бўлими мутахассиси
Мирхонов Шавкат Паноевич — «Аму-Бухороканалқурилиш» бошқармасига қарашли 6-Пешку механизациялашган кўчма колонна бошлиғи
Усмонов Баҳрон — Ғиждувон тумани, 21-ўрта мактаб директори
Худдиев Бахтиёр Турдиевич — Олот туман тадбиркорлар уюшмасининг раиси
Шарипов Истам — Жондор тумани, Ромиш қишлоқ фельдшер-акушерлик пункти шифокори

4. Жиззах округ комиссияси

Комиссия раиси:
Узоқов Байрамбек — Жиззах вилоят ҳокимининг ўринбосари

Раис ўринбосари:
Скрипкин Александр Иванович — вилоят истиқболни белгилаш ва статистика бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари

Комиссия котиби:
Холматов Илҳом Инатович — республика давлат телерадиокомпаниясининг вилоят бўйича мухбири

Комиссия аъзолари:
Бўстонов Хонтўра — Жиззах шаҳар таксомотор парки директори ўринбосари
Исматов Исоқжон — вилоят ички ишлар бошқармаси тергов бўлими бошлиғи ўринбосари
Муродов Шароф — Ғаллаорол тумани асаларичилик ширкат хўжалиги директори
Мустафоев Раҳматулла — Пахтакор туман марказий касалхонаси бўлим мудири
Муталова Дилзода Абдураҳмоновна — Дўстлик тумани фуқаролик ҳолатини қайд этиш бўлими мудири
Нурманов Тастанбек Абдирашевич — Мирзачўл тумани мева-сабзавот тайёрлаш-сотиш идораси бошлиғи

5. Навоий округ комиссияси

Комиссия раиси:
Алиқулов Акрамқул Алиқулович — Навоий вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари

Раис ўринбосари:
Агарков Валерий Федорович — Зарафшон шаҳридаги «Агама» қўшма корхонасининг бош директори

Комиссия котиби:
Караматов Одил — вилоят ҳокимлиги ташкилий ва кадрлар билан ишлаш бўлими мудирининг ўринбосари

Комиссия аъзолари:
Воҳидов Даврон Аҳрорович — вилоят агросаноат уюшмаси ходимлари касаба уюшмаси қўмитасининг раиси
Досжонов Абдураҳмон Абдижанович — Конимех туман ҳокимининг ўринбосари
Мамашаев Олим Мирзаевич — Навбаҳор туманидаги «Янгиқўрғон» қишлоқ фуқаролар йиғини котиби
Мотаев Ҳафиз — Қизилтепа тумани электр тармоқлари корхонасининг бошлиғи
Шодиев Исмоил — Навоий тумани халқ таълими бўлимининг инспектори
Ўринов Баҳриддин — Хатирчи тумани бош меъмори

6. Наманган округ комиссияси

Комиссия раиси:
Каримов Маҳамаджон — Наманган шаҳар ҳокими

Раис ўринбосари:
Мухитдинов Муслимхўжа Нуъмонович — вилоят хўжалик судининг раиси

Комиссия котиби:
Гапаров Адҳам Ҳасанбоевич — Тиббиёт ходимлари касаба уюшмаси вилоят қўмитасининг раиси

Комиссия аъзолари:
Абдураҳмонов Райимжон Мамажонович — Чуст шаҳар бош меъмори
Мирзаҳмедов Аҳмаджон — Уйчи тумани санитария-эпидемиология станцияси бош шифокори
Орипов Мўйдинхон Бурганхонович — Косонсой педагогика билим юрти директори
Табаров Аҳмад — Янгиқўрғон тумани кино-видео идораси директори
Турсунов Муҳаммад Усмонович — Мингбулоқ тумани марказий касалхонаси бош шифокорининг ўринбосари
Убайдуллаев Мамасоли Убайдуллаевич — «Наманганбанк» акционерлик-тижорат банки бошқарувчиси

7. Самарқанд округ комиссияси

Комиссия раиси:
Холиқов Неъмат Холиқович — Самарқанд вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари

Раис ўринбосари:
Мамадалиев Абдуғаффор — Самарқанд вилоят адлия бошқармасининг бошлиғи

Комиссия котиби:
Меликова Сайёра Муҳаммадиевна — Самарқанд шаҳридаги 21-ўрта мактаб директори

Комиссия аъзолари:
Боитов Эшназар Пирназарович — Ғузалкент туманидаги «Беш қаҳрамон» қишлоқ фуқаролар йиғининг раиси
Мирзаев Бекмурод — Нуробод тумани, «Улус» ижара хўжалигининг раиси
Моисеев Владимир Михайлович — Самарқанд чой қадоқлаш фабрикасининг директори
Юсупов Адаш Боёрович — Ургут тумани матлубот уюшмаси бошқарувининг раиси
Якутилов Ари Яковлевич — Самарқанд шаҳар болалар стоматология поликлиникасининг бош шифокори
Курбонов Фарҳод Ҳожиевич — республика «Соғлом авлод учун» хайрия жамғармаси вилоят бўлимининг директори

8. Сирдарё округ комиссияси

Комиссия раиси:
Усмонов Собиржон — Сирдарё вилояти ҳокимининг ўринбосари

Раис ўринбосари:
Исоқулов Бобомурод — Сирдарё вилоят адлия бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари

Комиссия котиби:
Сулаймонова Муяссар Умарқуловна — вилоят соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси қўмитасининг инструктори

Комиссия аъзолари:
Расулов Шукрулло Жониқулович — Оқолтин туманидаги А. Маматов номли ихтисослашган мактаб директори
Тўрабеков Тожикул — Мирзаобод туманидаги «6-Ширкатлар» маҳалла фуқаролар йиғини оқсоқоли
Холбоев Абдуғаппор — Сайхунобод тумани профилактика-дезинфекция станцияси бошлиғи
Шакаров Маъмуржон Суханович — Сирдарё тумани, Малик қишлоқ хўжалиги техникуми директорининг ўринбосари
Шербина Сергей Павлович — Янгиер шаҳар ижтимоий-суғурта жамғармаси етакчи мутахассиси
Юнусов Содиқхўжа — Боёвут тумани, «Деҳқонобод» жамоа хўжалиги гараж мудири

9. Сурхондарё округ комиссияси

Комиссия раиси:
Норпўлатов Нормейли Нортўраевич — Сурхондарё вилояти ҳокимининг биринчи ўринбосари

Раис ўринбосари:
Маматқулов Мамаражаб Обулович — «Жарқўрғон ҳақиқати» газетаси муҳаррирининг ўринбосари

Комиссия котиби:
Чориева Назира — Қизириқ тумани фуқаролик ҳолатларини қайд этиш бўлими мудири

Комиссия аъзолари:
Ёқубов Шавкат Арслонович — вилоят электроалоқа ишлаб чиқариш бошқармаси бош муҳандиси
Мустафоқулов Тиловмурод Ғаффорович — вилоят «Маҳалла» жамғармасининг раиси
Муҳаммадиев Худоёр Холиқулович — вилоят адлия бошқармаси бошлиғи
Остонақулов Нуриддин Исмадиёрович — вилоят давлат мулкини бошқариш ва хусусийлаштириш бошқармаси бошлиғи
Старинин Виктор Иванович — 360-хўжаликлараро механизациялашган кўчма колонна бошлиғи
Эсонниёзов Ўктам Пардаевич — вилоят почта алоқаси корхонаси бошлиғи

10. Тошкент вилоят округ комиссияси

Комиссия раиси:
Жаҳонгирова Дилбар Набиевна — Тошкент вилоят ҳокимининг ўринбосари

Раис ўринбосари:
Ермоленко Виктор Петрович — Чирчиқ шаҳридаги Ўзбекистон қийин эрийдиган ва ўтга чидамли металлар комбинати бўлимининг бошлиғи

Комиссия котиби:
Насимов Нўъмон Насимович — пенсионер

Комиссия аъзолари:
Абдукабиров Одилжон — Бекобод тумани механизациялашган кўчма колонна бошлиғи
Бурхонова Ирина Фаридовна — Тошкент тумани, 32-ўрта мактаб директори
Коренной Николай Степанович — Ангрен шаҳридаги «Ўзбекшахтақурилиш» трестининг бошқарувчиси
Маковеев Владимир Яковлевич — Олмалиқ шаҳридаги Ўзбекистон ихтисослашган қурилиш-таъмирлаш бошқармаси касаба уюшмаси қўмитаси раиси
Муҳамедов Вали Муҳамедович — вилоят Фахрийлар кенгаши раисининг ўринбосари
Саидвалиев Ўроз — Юқори Чирчиқ тумани, «Ўзбекистон» жамоа хўжалиги муҳандис-механиги
Ҳосилов Бахтиёр Олимович — вилоят молия бошқармаси бошлиғи
Қамбарова Клара Содиқовна — вилоят «Китобхон» жамияти раиси

11. Фарғона округ комиссияси

Комиссия раиси:
Холматов Орипжон — Фарғона вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари

Раис ўринбосари:
Абдуллаев Убайдулло — вилоят Фахрийлар кенгашининг раиси

Комиссия котиби:
Исоқов Аҳаджон Иброҳимович — вилоят ҳокимлиги ташкилий ва кадрлар билан ишлаш бўлими етакчи мутахассиси

Комиссия аъзолари:
Абдуллаев Неъмат — «Беҳизор» жамоа хўжалиги бошқаруви раиси
Дарвишев Қодирхон Сайдалиевич — Бувайда тумани ҳокимининг биринчи ўринбосари
Имомов Таваккал Кўчкорович — Қува тумани ҳокимининг биринчи ўринбосари
Маҳмудова Робахон Анваровна — Фарғона вилоят адлия бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари
Муллажонов Қодиржон — Фарғона вилояти давлат солиқ бошқармасининг бошлиғи
Пўлатов Ўктамжон — Бешариқ тумани ҳокимлигининг ҳуқуқшуноси
Суйинбоев Сотволди — Учқўприк тумани ҳокимининг биринчи ўринбосари
Фозилов Иброҳим Набиевич — Қўқон қурилиш материаллари ишлаб чиқариш бирлашмаси бош директорининг ўринбосари

12. Хоразм округи комиссияси

Комиссия раиси:
Раҳмонов Эркин Абдуллаевич — Хива шаҳри ва тумани ҳокими

Раис ўринбосари:
Собиров Одилбек Саидович — Урганч шаҳар ижтимоий таъминот бўлими мудири

Комиссия котиби:
Искандаров Рустам Болтаевич — республика «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази Хоразм вилояти бўлими мудири

Комиссия аъзолари:
Болтаев Самандар — Қўшкўпир туман марказий маданият уйи директори
Ёқубов Рўзмет — вилоят ҳокимлиги архив бўлимининг мудири
Мирзаев Раҳим — «Туямўйин-гидрострой» қурилиш-монтаж трестига қарашли 20-хўжалик ҳисобидаги автокорхона муҳандиси
Худойберганов Маҳкамбой — Боғот тумани савдо-ҳиссадорлик жамиятига қарашли автоколонна директори
Қиличев Юсупбой — Хонқа тумани, «Хоразм» жамоа хўжалиги касаба уюшмаси қўмитасининг раиси
Қурбонбоев Озод — Урганч шаҳридаги 96-ихтисослашган мактаб-интернат директори

13. Қашқадарё округ комиссияси

Комиссия раиси:
Козимов Исмоил Хидирович — Қашқадарё вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари

Раис ўринбосари:
Тожиев Шомурод — Яккабоғ тумани 2-жарроҳлик касалхонасининг бош шифокори

Комиссия котиби:
Набиев Шамси Набиевич — «ЭКОСАН» халқаро саломатлик жамғармаси вилоят бўлимининг раиси

Комиссия аъзолари:
Ашурова Шарофат — Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси вилоят бўлимининг масъул котиби
Корсун Александр Иванович — вилоят ташқи иқтисодий алоқалар бошқармасининг бош мутахассиси
Пўлатов Ашур Маманиёзович — Баҳористон тумани давлат солиқ инспекцияси бошлиғининг ўринбосари
Самадов Салим — Қарши тумани давлат солиқ инспекциясининг бошлиғи
Эргашев Ғулом — Чироқчи туманидаги «Кўкдала» таъмирлаш, ишлаб чиқариш корхонасининг бош муҳандиси
Эшонқулов Одил Остонович — Касби туманидаги «Ғалаба» жамоа хўжалигидаги ширкат раиси
Киёмов Равшан — Шаҳрисабз тумани 10-хўжаликлараро механизациялашган кўчма колоннасининг бошлиғи
Ҳақназаров Қаюм — Косон тумани, «Қўнғиртов» жамоа-ширкат хўжалиги бригада бошлиғи

14. Қорақалпоғистон округ комиссияси

Комиссия раиси:
Наримбетов Жанабай — Нукус давлат педагогика институти проректори

Раис ўринбосари:
Михайлов Алексей Константинович — Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Ишлар бошқармаси бўлимининг бошлиғи

Комиссия котиби:
Калбаева Калжан — Нукус тумани, 4-ўрта мактаб ўқитувчиси

Комиссия аъзолари:
Абдреимов Азатбай Кубеевич — Қўнғирот шаҳар молия бўлими иқтисодчиси
Алисанов Бисенбай — «Ватанпарвар» жамияти Хўжайли туман кенгашининг раиси
Дошанов Нагматдин — Чимбой шаҳар ҳокимлиги қошидаги якка тартибдаги турар жой қурилиш ширкатининг муҳандиси
Оралбоева Назбиби — Қораўзак туман қишлоқ участка касалхонасининг бош шифокори
Сейтекеев Дарибай — Қанликўл туман ҳокимлиги ташкилий ишлар бўлими мудири
Шерниязов Бахи Махамбеталиевич — Кегейли тумани, М. Жуманазаров номли жамоа хўжалиги кадрлар бўлимининг бошлиғи
Ўразалиев Егамберган — Беруний шаҳар халқ таълими бўлими метод кабинетининг мудири
Қаландаров Хажихан Матёқубович — Элликқалъа туман ҳокимлигининг етакчи мутахассиси

Ўзбекистон Республикаси Референдумини ўтказувчи Марказий комиссия Раиси Қ. АҲМЕДОВ.
Ўзбекистон Республикаси Референдумини ўтказувчи Марказий комиссия Котиби А. АНОРҚУЛОВ.

Тошкент шаҳри,
1995 йил 2 март.

ЭЛЕКТРГА ЭЪТИБОРЛИ БЎЛИНГ !

ЭҲТИЁТКОРЛИК ВА ЯНА ЭҲТИЁТКОРЛИК

ҳар бир киши сўзсиз риоя этиши лозим бўлган бурчдир !

СИЗНИНГ БЕПАРВОЛИГИНГИЗ,

яъни электр симлари, тақсимлаш шити, розетка, вилка, электр асбоблардаги носозликларни ўз вақтида бартараф этмаганингиз қисқа туташувга сабаб бўлиши мумкин.

ЭЛЕКТР УСКУНАЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ ҚОИДАСИНИ БУЗСАНГИЗ

ОҒИР ЖАРОҲАТ ОЛИШИНГИЗ МУМКИН.

Кўчма лампа ва радиоприёмниклардан хонадан ташқарида фойдаланганингизда шундай ҳол юз беради ва агар уларнинг изоляцияси очилиб қолган бўлса, ерда туриб

КАТТА КУЧЛАНИШ ОСТИДА ҚОЛАСИЗ !

Электр симларини ток ўтиб турганда тузатмоқчи, ўчиргич ва розеткани алмаштирмоқчи, электр ускуна ва аппаратларини созламоқчи бўлсангиз, бу -

ЎЗИГА ОРТИҚЧА ИШОНИШДИР !

Ва сиз бунинг қурбони бўлишингиз мумкин.

УНУТМАНГ !

Электр қурилмаларини таъмирлаш ишларини фақат электр қувватини олдин ўчириб қўйиб бажариш лозим !

Болаларни бир дақиқа ҳам эътиборсиз қолдирманг.

Улар электр розеткасига қизиқиб бир нарсани тиқишлари мумкин.

Бунинг оқибати ҳақида гапириш ортиқча !

Каттароқ ёшдаги болаларга подъезлардаги электр шкафларни очиш, электр симёғочларига чиқиш ва улар яқинида варрак учириш мумкин эмаслиги сабабларини тушунтиринг.

Узилган симларга алоҳида эътибор бериш - уларга, ҳатто, 10 метр масофагача яқинлашиш мумкин эмас.

"ЎЗЭНЕРГОНАЗОРАТ"

ЙИЛИГА САРФЛАНАДИГАН

ЭЛЕКТР ҚУВВАТИНИНГ 80 МЛН. КВТ-СОАТИ

бехуда исроф бўлади !

Бу рақамнинг маъзини яхшилаб чақсангиз, кундалик турмушда электр қувватини қатъий тежаш талаби қуруқ гап бўлмай, ҳаёт талаби эканлиги аён бўлади. Кундалик турмушда электр қувватидан оқилона фойдаланишнинг баъзи йўллари:

ЧИРОҚЛАР

Бу борада ҳамма нарса муҳим: ёритгичларнинг тозалиги, уларнинг қуввати, тўғри жойлаштирилгани. Дарвоқе кучли ёруғлик талаб қилинадиган жойларда бирмунча тежамли люминисцентли лампалардан фойдаланинг. Ҳатто, девор ва шифтнинг ранги ҳам муҳим аҳамиятга эга - уларнинг ёрқин рангда бўлгани маъқул.

СОВУТГИЧ

Аввало, улардан фойдаланиш қоидаларига риоя қилмоқ керак (тўғри ўрнатиш, ўз вақтида тозалаб туриш ва ҳ.к.).

ЭЛЕКТР ПЛИТА

Фақат ости ялтироқ, эмалланмаган идишлардан фойдаланиш, комфоркаларни духовка ва кострюлларни вақти - вақти билан (ҳафтада бир марта) яхшилаб тозалаб туриш, қопқоқлардан фойдаланиш, комфоркалар қувватини режалаб туриш лозим.

БОШҚА ЭЛЕКТР АСБОБЛАР

Улардан фойдаланиш қоидалари ҳаммага маълум:

- *ҳеч ким тинглаётган, томоша қилмаётган бўлса, приёмник ва телевизорни ўчириб қўйиш;*
- *чироқларни вақтида ўчириш;*
- *чангютгичлардан фақат ташқарига олиб чиқиш мумкин бўлмаган буюмларни тозалашда фойдаланиш;*
- *дазмолни фақат ишлатиш чоғидагина қўйиш ва дазмоллаб бўлгандан сўнг дарҳол олиб қўйиш;*
- *энг кучли асбоблардан (масалан, кварцли лампадан) иложи борича тунда фойдаланиш.*

Тежаш ҳаммага - давлатга ҳам, сизга ҳам фойда !

"ЎЗЭНЕРГОНАЗОРАТ"

ҚАЙСИ БИР КЎКНИНГ ЮЗИНГДЕК МЕҲРИ ОЛАМ ТОБИ БОР?! ҚАЙСИ ГУЛШАННИНГ ЖАМОЛИНГДЕК ГУЛИ СЕРОБИ БОР?!

ШАРАФ ТОЖИ ЭРУР ОЁҒИН ГАРДИ

(БАДИА)

Назаримда буюк кашфиётларнинг аксарияти аёл далдаси билан дунёга келган. Ер юзидаги жамики ноёб санъат асарларига кўрк ва жозиба ато этган энг қутлуғ ва ёруғ мавзу ҳам Аёлдир!

Ижодкор аҳли қоғоз билан ёлғиз — юзма-юз қолгандагина ўзини енгил ва эркин ҳисоблайди. Бирор нарсани қаламга олмоқчи бўлса, энг аввал юраги «жиз» этиши, сўнг ўша чўғ ёғдусида ёзиши лозим.

Аёл мавзусига қўл урган пайт — «жиз» этиш ҳам гапми —шоирнинг қалби қуёшга, мусаввирнинг нигоҳлари оташга айланади. Демак, ул мўътабар зот ҳақида яралган асарлар ўтнинг, оловнинг, муҳаббатнинг ҳосилаларидир. Ҳазрати мир Алишер НАВОИЙ ҳам АЁЛни улуғлаш, кўкларга кўтариш орзусида шеърият осмонини забт этган бўлса, не ажаб!..

Кўз бирла қошинг яхши, қабоғинг яхши,
Юз бирла сўзинг яхши, дудоғинг яхши.
Энг бирла менгинг яхши, сақоқинг яхши,
Бир-бир не дейин, боштин-оёқинг яхши.

Ерни, қуёшни, қушларни, ҳаттоки, гул юзидаги шабнамни ҳам бирдек суйишга, авайлашга қодир бўлган зот Аёлдир. Она деган ном унга берилган тенгсиз мукофот ва буюк неъматдирки, бу унвон аёлнинг гулдек нозик вужудига илоҳий куч ва мислсиз муҳаббат ато этади.

Одам улғайгани сари унинг бағри ҳам, қалби ҳам катталашади. Она юраги бутун бўйбасти билан узр сўрашга, ёлворишга, ён беришга, кечиришга мойилдир.

Бир нарсага ҳайрон қоламан: биз бағри тош оналар ҳақида кўп гапирамиз, кўп ёзамиз, ҳолбуки, улар у қадар кўп эмас. Бироқ биз не ҳасратлар билан фарзанд ўстириб, улар камолини кутиб яшаётган ўзимизнинг муштипар волидаларимиз тўғрисида камроқ ёзиб, камроқ қайғураётгандекмиз. Нега шундай! Ахир улар ўша бағри тош хотинларга қараганда ўн чандон кўпроқ заҳмат чекиб яшайдилар-ку бу ҳаётда! Кичкинтойлар оналаридан нимадир талаб қилиб аразласа ёки йиғлаб хуноб қилса кечириш керак. Лекин биз катталар ҳам кўпинча ўзимиз сезган ёки сезмаган ҳолда арзимаган нарса учун гина қилиб ёки енгилроқ бўлса-да, танбеҳ бериб, онажонларимизнинг кўнглини ўкситиб қўямиз. Она ўзига нисбатан фарзанди томонидан қилинган адолатсизлик ва беодобликни ҳамиша кечиради. Биз эса буни тушунмай, уларнинг олдида кўпинча ўзимизни гуноҳсиздек сезамиз. Фарзанд даккисининг таъмини татиб кўрганимиздан сўнггина...

Ўзим ҳам Андижонда — онажонимнинг қучоғида яшаб юрган кезларимда она ҳақида ҳеч нарса ёзолмаганман. Энди эса ҳар босган қадамимда, ҳар бир ёзган сатримда аяжонимнинг нафасини, далдасини ҳис қилиб яшаяпман.

Ҳеч хато қилмабман болалигимда,
Улғайгач неча бор қаттиқ қоқилдим.
Гарчи қонамади тиззамнинг кўзи —
Онажон, мен бу гал ёмон йиқилдим.
Йўқ, хато қилмабман болалигимда,
Сизнинг елкангизга ўзимни ортиб.
Соғиниб юрибман дашномингизни,
Ва катта хатолар жабрини тортиб.
Ушлаб юргим келар қўлларингизни,
Сизни тушларимда кўраман илҳақ.
Ёнингизга йиғлаб қайтгим келади —
Қизларим қўлимни қўйвормас бироқ...

Аёл юраги барибир катта.

Эҳтимол, шунинг учун ҳам уни ишғол қилиш қийиндир. Лекин тан олмоқ керакки, аёлнинг гинаси ҳам, нафрати ҳам озорсиз, оғриқсиз.

Яқин бир дугонам бор. У билан орамизда ҳеч қандоқ сир йўқ. Эрининг даҳал муомаласидан, ўринсиз рашкию, турткилашларидан зада бўлган дугонам мен билан суҳбатлашса, ўзи билан ўзи гаплашгандек бемалол кўнглини очади:

— Илгарилари у менга бутун бўй басти билан баҳайбат қўлга, тугилган муштга ўхшаб кўринарди. Ҳозир эса ўқрайиб турган бир жуфт улкан кўзга ўхшайди. Уни қачон одам қиёфасида кўрарканман-а! Биласанми, баъзан жанжал бўлган кунлари ишга кетиши билан шартта эшикни қулфлаб оламану, қарғаб-қарғаб йиғлайман...

Дугонам ўз фожеасини йиғлаб эмас, жилмайиб гапириб берди. У кўз ёшларини эрига кўрсатмайди. Қарғаса ҳам эшиттирмай қарғайди. Изтиробларини фарзандларидан яширади. Қанчалик катта тоқат, қаноат керак бунинг учун! «Ҳаммасига нуқта қўйсанг бўлмайдими! Ахир сен ҳам ҳаётга икки марта келмайсан-ку!» деган маслаҳатчиларга: «Бу-ку ҳали одам. Мен фарзандларим учун аждаҳо билан яшашга ҳам розиман. Минг қилса ҳам болаларимнинг отаси... Этни тирноғдан ажратсам уволи кимга бўлади! Бир қунмас, бир кун инсофга келар. Чидаб турайчи...» деб қўяди.

Энди ўзингиз тасаввур қилиб кўринг, нафратики, шунчалар беозор бўлган зотнинг меҳри, муҳаббати қандай бўлиши мумкин!

Мен яна шундай аёлларни биламан: у кўринишидан жуда жаҳлдор, кучли, кескин ва қатъиятли. Лекин руҳининг қаеридадир ниҳоятда нимжон, заиф ва итоатгўй аёл яшайди. У шу фазилатларини ошкор этишни истамайди, даҳал бўлиб кўрингиси келади. Одамлардан ҳуснини ҳам, ёқимли овозини ҳам қизғанади. Ўзи билан ўзи ёлғиз қолган кезлардагина ярим кечалари тошойна ёнида туриб, қошларини, асабларини қўйворади, бўшашади. Сочларини чиройли қилиб турмаклайди, пардоз қилади. Ўзига ўзи бироз маҳлиё бўлиб туради-да, яна шоша-пиша эски қиёфасига кириб кўрпага бурканади.

Гоҳо шундай тақдирларни кўз олдимга келтириб, зебу зийнатлардан, ажабтовур тақинчоқлардан завқланмай, чиройли кийинишга қизиқмай қўйган, ўзига оро беришдан ҳафсаласи қайтган қиз-жувонлар дунёдаги энг лоқайд аёллардир деган хулосага келаман.

Бир дугонам кўпинча ҳазиллашиб: «Жонимиз қирқта бўлса ҳам қилдай-қилдай-да. Эркакларнинг жони битта-ю, лекин ФИЛдай!» —деб қўяди. Демак аёл юрагининг қирқта пучмоғи, қирқта чироғи бор, қувончу изтиробларининг сони ҳам шунча.

Мен ҳали дунёдаги аксари кашфиётлар аёл туфайли яралган дедим. Бу даъвом — бежиз эмас. Аслида оналарнинг ҳаммаси ижодкор, оналарнинг ҳаммаси шоир!

Ҳар бир онанинг ўз алласи, ўз оҳанги бор. Алла таърифларга сиғмайдиган, таржима қилинмайдиган қўшиқ. Алла айтиш кўрик-танловларини ўтказиш яқин-яқин йиллардагина урф бўлди. Лекин ҳеч бир замонда оналарга алла айтишни махсус ўргатмаганлар. Эҳтимол, момоларимиз эл ичида алла айтиб ҳам шуҳрат топиш мумкинлигини хаёлларига ҳам келтирмагандир. Алла айтмоқ волидаи муҳтарамалар учун нафас олишдек табиий бир эҳтиёж эмасми! Фарзанд аёл вужудининг бир бўлаги бўлса, алла она қалбининг акс-садосидир. Қалбни қарзга олмоқ, кимгадир иньом этмоқ ёки дастурхон қилиб ўртага ёзмоқ, кўзкўзлаш мутлақо мумкин эмас. Ҳар бир аёл ўз алласини ўзи яратсин, токи фарзандлари онасининг овозидек унинг алласини ҳам танисинлар!

Ойдай тўлиб ухлагин,
Кундай кулиб ухлагин,
Порлаб турсин юлдузлар,
Ором олсин кундузлар —
Алла-ё, алла, алла-ё алла.

Пешонангни силайман,
Сенга иқбол тилайман.
Ухлаб қолгин жон болам,
Руҳимдаги шон болам —
Алла-ё, алла, Алла-ё, алла...

Алла инсон боласи билан эгизак бўлганлиги учун ҳам муқаддасдир. Сиз алла эшитиб уйқуга чўмаётган сархуш гўдакнинг ҳолатини ҳеч кузатганмисиз? Бу лаҳзаларда у ҳар доимгидан ҳам чиройлироқ бўлиб кетади. Эркаланиб, яйраб, бутун борлиқни, безовталигу, инжиқликларини унутиб ухлайди. Алланинг сеҳрли кучини ҳаммадан ҳам кўпроқ болалар ҳис қилади.

Баъзан аллани халқ оҳангларида меъёрига етказиб куйлолмаганимдан афсусланиб кетаман. Болаларим олдида ўзимни қарздордек сезаман. Лекин барибир, дунёда алла айтишни билмайдиган оналар ҳам бор деган фикрга қўшилмайман. Дунёда фарзандини суйиб, эркалатиб ором олмайдиган аёл йўқ. Оналарнинг ҳаммаси улуғ, ҳаммаси яхши. Уларнинг ҳаммаси алла айтади. Бири бахтдан энтикиб, бири йиғлаб, бошқаси сўнгсиз хаёлларга берилиб куйлайди. Соф аллани эшитмоқ учун, бу муқаддас қўшиқнинг хосиятлари ва маънисини англамоқ учун бутун борлиқ уйқуга чўмган пайтда оналарни кўринмас «қалпоқча» кийиб кузатмоқ ва тингламоқ керак. Лекин бу тиниқ ва табиий оҳангни эшитиш бахти алланинг ўзидек покиза бўлган гўдакларимизгагина насиб этади.

Алла ухлатғувчигина эмас, уйғотғувчи ҳамдир. У гўдак вужудига ором бағишлаб, инсон деб аталмиш буюк миллатнинг руҳини уйғотади.

Онангдан бош товлама, ошмасин дарди,
Шараф тожи эрур оёғин гарди.

Она дуосини ололган, уни бошига кўтарган инсон баркамолдир. Аёллари нафосатга, латофатга талпиниб яшаган юрт гўзалдир. Оналари уйғоқ жамият ҳурликка ва озодликка муносибдир.

Замира ЭГАМБЕРДИЕВА.

ҒАНИЖОН АКАНИНГ «ҚИЗИ»

Раҳматлик Ғанижон Тошматов ҳамма қизларини бир кўзда кўрарди. Уларнинг эркалигию нозларини, самимий ҳазилларини — ҳамма-ҳаммасини кўтарарди.

Лекин...

Озоданинг маъсумгина юзларига қараб ўнинг кўнглида нелар кечаётганини бирдан сезиб олар ва доим такрор-такрор айтарди: «Она қизим, кўпроқ халқ қўшиқларидан айт. Қоладигани шулар. Фақат яхши айт». Домланинг бетакрор санъати унга катта мактаб бўлди. «Билмадим, балки мен «Дуторчилар» орасида юриб катта устанинг назарига тушмаганимда ҳозир қандай умр кечираётганимни ҳеч тасаввур қилолмайман...». Бу сўзлар Озоданинг эътирофи. Озода кеча ё бугун саҳнага чиққани йўқ. Ўн йиллар бўлди. Лекин санъатда кечган умр вақт билан белгиланмайди. Аксинча, яхши ижро этилган бир жуфт куй ёки қўшиқ ҳам кўп йиллар яшайверади. Шу маънода Озода Мадраҳимованинг халқ йўлида айтган қўшиқларини ҳеч иккиланмасдан кўнглимизга сингиб кетган демоққа ҳақлимиз.

Уларда самимий маъсумлик бор. Уларда чексиз ҳайрат бор. Бу — хонанданинг мунглуғгина овозида айниқса сезилади. «Кумушбиби ноласи»ни тингланг ва ё «Зайнаб ноласи»ни, «Алла»ни... Аксарияти сизу бизнинг ота-боболаримиз юракларини титратган сирли нолалардир.

Биламиз, «Дуторчилар» дастасидаги қизларнинг ҳаммасининг юрагида ўз устозларига нисбатан улкан ҳурмат яшайди. Шундай бўлсада,, Озодадан сўраймиз: «Сизга Ғанижон акадан нима қолди?». Яна ўша дардли овозда айтади: «Катта, туганмас давлат қолди. Катта санъат қолди. Бир менга эмас, бизнинг қизларга, қолаверса, бутун ўзбек халқига тингласа ҳеч тугамайдиган сўнгсиз наволар, куй-қўшиқларни мерос қолдириб кетдилар».

Озода асли Ўшнинг Аравонидан. 16 йилки, «Дуторчилар» дастасида яккахон хонанда сифатида хизмат қилади. Олтмишга яқин қўшиқ ижро этган. Шунингдек, ўзи қўшиқ ёзиб, куй ҳам басталаётир.

ДУТОРЧИЛАР... Улар ўттиз ё олтмиш нафар, балки юздан ҳам ошар. Аммо бир ҳақиқат аён: бу қизларнинг ҳамма-ҳаммаси Ғанижон Тошматов экиб кетган катта Дарахтнинг меваларидир. Бугун ана шу улкан дарахт гуллаётир. Шу гуллар орасида ўзининг сеҳрли ва ёқимли овози ила дилларга бир ажиб насим элтаётган Озода Мадраҳимованинг ҳам борлиги янада қувонарлидир.

Н. ҚОДИРОВ.

БОШҚОТИРМА



Айём муносабати билан рамзий 8 рақами шаклида чизилган ўзига хос занжирли бошқотирмани эътиборингизга ҳавола этамиз.

1. Оналар қўшиғи. 2. Гулдан тайёрланувчи хушбўй ашё. 3. Саҳна санъатининг куй билан ижро этиладиган тури. 4. Аёллар журнали. 5. Орасталик буюми. 6. Ўзбек балет санъати устаси. 7. Ижодкор аёл. 8. Таниқли устоз раққоса. 9. Уйғуннинг «Парвона» драмаси қаҳрамони. 10. Чех адиби Юлиус Фучикнинг Ўзбекистон ҳақида ёзган асари қаҳрамони. 11. Ўзбек театр саҳнасининг илк санъаткори бўлган аёл. 12. «Она — Ҳиндистон» фильмида бош қаҳрамонни ижро этган машҳур санъаткор. 13. Фазогир аёл. 14. Халқ қўшиқ санъати тури. 15. Илк ўзбек фильмларидан бири. 16. Алишер Навоий «Хамса»си достонларидан биридаги бош қаҳрамон. 17. Зеби-зийнат тури. 18. Саид Аҳмаднинг «Уфқ» асари қаҳрамони. 19. Илк ўзбек тарихчи олималаридан бири. 20. Миллий ипак газлама. 21. Қорамтир пардоз бўёғи. 22. Абдулла Қаҳҳор ҳикояларидан бири. 23. Абдулла Қодирийнинг «Меҳробдан чаён» романи қаҳрамони. 24. Муҳаммад Алайҳиссаломнинг ҳадисларини ривоят қилишда муҳим ўрин тутган аёл исми.

Энди шаклдаги айланаларни четида берилган рақамларни (биринчиси жавоб тартибини, иккинчиси ҳарф тартибини англатади) машқ жавоблари асосида топширинги топишга ҳаракат қилинг. Бунда она диёримизнинг икки буюк сиймоси — табобат илмининг қомусий олими Абу Али ибн Сино ва соҳибқирон Амир Темур волидаи муҳтарамаларининг исмлари аён бўлади.

Тузувчи Фозилжон ОРИПОВ.

Гулистон МАТЁҚУБОВА

ЎЗБЕКИСТОНИМ

(қўшиқ)

Кўзларда ёнгани нур — муҳаббатдир,
Яхши ниятлари ярим давлатдир,
Остонаси тилла ҳур мамлакатдир,
Оталари суюк Ўзбекистоним,
Келажаги буюк Ўзбекистоним!

Гуллар водийсида умидлар ўсар,
Уйларнинг тўрини бешиклар безар,
Оқ тонгларни кутиб шамоллар эсар,
Оналари суюк Ўзбекистоним,
Келажаги буюк Ўзбекистоним!

Ишонч юксалади осмонларида,
Келажак йўргаги карвонларида,
Буюклик балқийди тўрт ёнларида,
Фарзандлари суюк Ўзбекистоним,
Келажаги буюк Ўзбекистоним!

ЯХШИЛИК ПОКЛИКДАН ЖОН-ЖОНГА КИРСА...

(БАҒИШЛОВ)

Юртим, кўксинг узра армон-зор кўпдир,
Ғайри тупроқларда интизор кўпдир,
Асрлар қатида дард—озор кўпдир
Сенга жонин тиккан вафодор кўпдир,
Бахтингга гоҳ инкор, гоҳ иқрор кўпдир.

Яхшилик покликдан жонга-жон кирса,
Аҳлга ойдинлик, бир имон кирса,
Халқинг юрагига бир уммон кирса
Чексиз саҳроларга бир бўстон кирса,
Эртанги яшнатар гул баҳор кўпдир!

Умрни беустун бир кўприк кўрдим,
Унда кимларни рост, ким ўтрик кўрдим,
Қай сўзин жон, қай сўз бир кўприк кўрдим,
Кўзларнинг қалъаси ўқ-киприк кўрдим,
Дардингдан дард чеккан шоҳсувор кўпдир.

Эртанг ёруғ юртим, олам сен билан,
Элсевар ўғлонинг ҳар дам сен билан,
Аму икки соҳил ҳамдам сен билан,
Гулистон то ҳаёт ҳуррам сен билан,
Юртим, буюклигингга иқрор кўпдир,
Сенга жонин тиккан фидокор кўпдир...

Умида АБДУАЗИМОВА

ГУЛИМНИ ҲАМ ТУТДИМ СИЗГА

Кулсам ҳам, ёр билан ҳуррам бўлсам ҳам,
Қуёшдан қўрланиб, ойдек тўлсам ҳам,
Кетар пайт фаромуш хаёл, дилим ғаш,
Ненидир қолдириб кетаётибман,
Ненидир олдириб кетаётибман.
Ўшалар — ушалмас орзулар секин,
Қувонсам қай торим узилар лекин!
Кўзимда, сўзимда ўкинч, ўзимда —
Аччиқ бир таъм тотиб кетаётибман,
Ненидир йўқотиб кетаётибман.
Умр-ку ўткинчи, йиллар чопағон,
Борлиққа югуриб йўғин топағон,
Одамлар, қалбимда ҳамон бир ғивир,
Қайсидир қатимда, лабимда шивир:
Ненидир қолдириб кетаётибман,
Ненидир олдириб кетаётибман...

***

Сизга бердим бисотимни:
Сиру асрорларимни.
Суюк дулдул отимни-ю,
Қишу баҳорларимни.

Гулимни ҳам тутдим сизга,
Қўлимни ҳам йўлимни.
Қаршилайман қаршингизда
Раво бўлган ўлимни.
Васлингизга чўккан қизни
Хоҳланг, кўкка учиринг.
Англамасдан ёниқ ҳисни
Ё йўқликка кўчиринг.
Илтимосим, яшаб кўринг,
Менинг каби бир нафас.
Кейин мендек яшамоқни
Юрарсиз қилиб ҳавас...

Сайёра САМАНДАРОВА

АЁЛНИ ТУШУНИШ

Аёл!
Сени тинч қўймасди шеърнинг уммони,
Бутун бебош тўлқинларнинг саслари тинди.
Дарду қувончингни шеърга солгувчи
Қаламинг гўшанга остида синди.

Аёл!
Мусаввир бўлмоқни истардинг дилдан,
Чизар эдинг тунги дунё сувратин.
Сен ҳатто сезмасдан қолдинг, қўлингдан
Қалам тушиб, бармоғинг увлаётганин.

Тўхтанг, аҳли эркак, кўзингиз очинг,
Аёлингизга сиз бошқатдан қаранг.
Эътиқоди шикаст емасдан бурун
Уни бир олқишлаб қўйишга яранг.

Мен мадад сўрайман ёлғиз Оллоҳдан,
Ўзгага бош эгмоққа этмасман жазм.

Бироқ, икки қўллаб, йиғлаб қилурман
Аёлни тушунган эркакка таъзим!

***

Онажон, мен қаттиқ соғиндим сени,
ва сенинг ўгит-танбеҳларингни.
Ўзинг айтганингдай, сезаман гоҳ-гоҳ
Китобий хаёлим панд беришини.
«Ҳали ҳам осмонда юрибсан,
қизим.
Ҳали ҳам ерга тушмабсан қайтиб.
Қачон сен фарқлайсан
китоб-ҳаётни.
Рости, мен чарчадим сенга гапириб,
Гап кирмас қулоққа насиҳат айтиб».
Сен билан суҳбатлар шундай тугарди.
Сенинг сабрларинг кундай тугарди.
Сен бугун йироқсан, сенга элтувчи
Соғинчдан ўзга яқин бир йўл йўқ.
Ердан йироқласам, оғоҳ этгувчи,
оёғимдан тортиб турувчи қўл йўқ.
Мен қўрқаман, хаёлларга алданиб,
учиб, учавериб охир бир кун
мовий осмонда
қўлларимни ерга чўзиб қолиб кетмасам.
Осмонларга элтган сонсиз парвозларимдан, оёғимни ердан узиб, олиб кетмасам.
Онажон, мен сени соғиндим қаттиқ.
Минг силаб ўпаман нурли юзингни.
Тез-тез оёғидан тортиб тур фақат,
ҳамон осмонларда
юрган қизингни.

Турсунтош ЖАББОРОВА

ОСМОНГА ОТИЛАР ҚУВОНЧЛАР

«Билсангиз, ажралиш куйини чалингиз...»
(Отабекнинг сўзлари)

***

Дарахтлар қаторин ўртаган
Яроқлар ортидан қолар из.
Бўғилиб сўзлайди бир йигит:
«Ажралиш куйини чалингиз...»
Осмонга отилар қувончлар,
Қайғулар замина чўкар тиз.
Ер билан кўк аро муаллақ
«Ажралиш куйини чалингиз...»
Мен комрон кунларга қайтарман,
Ўшанда билинар қадрингиз,
Тупроққа қўшилган чоғимда
«Ажралиш куйини чалингиз...».

***

Ҳўл боғларда ёнар ловуллаб,
Кеч кузакнинг сўнгги яроғи.
Эсга тушар отам ёдидай
Юрагимда оғрир ер доғи.

Кўк майсалар ювар шабнамда,
Эринчоқлик билан гардиши.
Қалдирғочлар кўтариб кетар,
Ерда қолган ернинг дардини.
Тўзғиб кетган оппоқ булутлар,
Тоғлар дили тўнгги кетган муз.
Бўйга етган яроқлар кулар,
Ич-ичидан йиғлар сарғиш кўз...

Сулҳида ҲАМРОЕВА

МЕҲРИМ СЕНГА ЯНА ОРТАДИ

***

Нигоҳларинг тортиб кетади,
Эртакларинг жодуларидай.
Меҳрим сенга яна ортади,
Юлдузларинг ёғдуларидай.
Боқишларинг сеҳримкан, айт,
Мени телба далли айлади.
Дунё бизлан ўтаётган пайт,
Иккимизга висол қайтмади.

ТУШ

Тушларимда баҳормас,
куз фаслини кўрибман,
Суратларда волидамнинг
мен яслини кўрибман,
Умри тугаган яроқ,
юзларимни силармиш,
Тўкилмаган яроқлар,
қарсак чалиб кулармиш...

***

Умрининг ярмиси ўтиб кетибди,
Талашиб-тортишиб битта дил билан.
Билмадим, у қайларга бориб етибди,
Айтингиз шунчалар узун тил билан.

Тўйхат ўрнида

КАСБИНИНГ ФИДОЙИСИ

«Қишлоқ ҳақиқати» — «Сельская правда» газеталарининг 70-йилларнинг ўрталаридаги сонларидан бирида «Эгизак китоблар ёки бир қуроқ диссертация ҳақида қисса» сарлавҳали фельетоннинг босилиб чиқиши кенг жамоатчиликда, айниқса илмий ходимлар ўртасида катта шовшувга сабаб бўлди. Гап шундаки мазкур эгизак китоблардан бирининг муаллифи ўз асарига бошқа манбалардан, жумладан, илмий раҳбарининг бундан 8 йил муқаддам босилиб чиққан китобидан ҳамда бошқа бир олимнинг ёқлаган диссертациясидан тайёр рақамлар, статистик маълумотлар, жадваллар, қоида ва хулосаларни кўчириб олганлиги танқид қилинганди. Бу ҳам етмаганидек, диссертантнинг илмий раҳбари бўлмиш профессор эса буларнинг барчасидан хабардор бўла туриб, ўз шогирдининг «илмий» ишига мақтов сўзлардан иборат тақриз ёзиб берган ва уни китоб ҳолида нашр этишга тавсия этган. Хуллас, матбуотда шу пайтгача ёритилмаган мавзу — нопок йўл билан илмий даража олишга уриниш мавзуси дадил ўртага ташланиб, тегишли кафедрада муҳокама этилиб тасдиғи олинган ва ёқлашга тавсия этилган диссертациянинг авра-астари ағдариб ташланганди.

Газеталарнинг танқидий чиқишларига расмий жавоб ҳам олинди. Тошкент Давлат университетининг ректори ва партком секретари имзо чеккан жавобда, фельетонда баён қилинган фактлар тан олиниб, айбдорларга нисбатан кескин чора кўрилгани, чунончи, кўчирмакаш партия сафидан ўчирилиб, аспирантурадан четлатилгани тўғрисида хабар қилинганди....

Мен моҳир журналист Тоҳир Мирҳодиевнинг юзлаб лавҳа, очерк, салмоқли мақолалари орасидан биргина фельетони ҳақида ҳикоя қилиб бердим. Батафсилроқ тўхталганимнинг боиси шундаки, ўшандан бери қарийб йигирма йил ўтди. Ҳали мазкур мавзудаги шу даражадаги мақолани учратганим йўқ.

Тоҳиржон газета иши учун туғилган, назаримда. Масалаларга ўта жиддий ёндошади, ўзига нисбатан ғоят талабчан, шундай бўлишни бошқалардан ҳам талаб қилади. Ҳамиша беҳаловат, ишидан қониқмагандек сезади ўзини. Кўп ўқийди, бизники бўлди, демасдан доимо изланишда. Ўзининг ҳам, бошқаларнинг ҳам мақолаларини эринмай таҳлил қилади. Бу ҳол баъзан кимларгадир малол келади. Шундай пайтларда адолат юзасидан мантиқни ва иш манфаатини ўртага қўйиб, босиқлик билан тушунтиришга интилади.

Эсимда, чамаси эллигинчи йилларнинг охири эди ўшанда. Тошкент Давлат университети журналистика бўлимининг бир гуруҳ талабалари назарий билимларини амалий иш билан мустаҳкамлаш мақсадида «Тошкент ҳақиқати» редакциясига келдилар. Улар орасида кўзлари нақнаб турган тийрак йигит — Тоҳиржон ҳам бор эди. Мен у пайтда шу газетанинг саноат ва транспорт бўлимига мудирлик қилардим. Муҳаррир кимнинг қайси бўлимда ишлашини айтди. Бунда талабаларнинг хоҳиши инобатга олинди, албатта. Тақдирни қарангки, Тоҳиржон бизнинг чекимизга тушди.

Ундаги тиришқоқлик, интилувчанлик бизга маъқул тушди. Шундан сўнг ҳам топган-тутганини бизга илиниб турди. Ёш қаламкаш етилиб келаётганди. Уни биз кўз остига олиб қўйгандик. Навбатдаги учрашувлардан бирида ўқиш қачон тугашини сўрадим. «Шу йил ёзда» деган жавоб олдик. Бўлимда бўш ўрин бор эди, шуни ҳисобга олган ҳолда уни ишга таклиф этдик. Андишага борди шекилли ҳозир диплом иши ёзаётганлигини айтди. Шунга келишдикки, иш ҳам бўлаверади, диплом ҳам ёқланади. Шундай қилиб Тоҳиржон жамоамизнинг тўлақонли аъзоси бўлиб қолди.

Ҳушёр йигит экан, тезда ўзини кўрсатди. Изланувчанлиги, топшириқларга ўта масъулият билан ёндашиши, энг муҳими, у ёки бу масалада ҳамиша ўз фикри, ўз қараши борлиги учун тезда жамоа ўртасида оғизга тушди. Кейинчалик мустақил равишда ижодий бўлимларнинг бирига бошчилик қилди.

1965 йилнинг бошида мени «Сирдарё ҳақиқати» вилоят газетасига муҳаррир этиб тасдиқлашди. Орадан тўққиз йил ўтгач, яна марказга қайтиб келдим: менга янги «Қишлоқ ҳақиқати» — «Сельская правда» республика газеталарини ташкил этиш топширилди. Бундай пайтда, табиийки, ҳар бир киши ўзига ишончли таянч ахтаради, кимга суянсам бўлади, ким оғиримни енгил эта олади, деган ниятда. Шундайлар қаторида Тоҳиржон ҳам бор эди. Адашмаган эканман: у газетанинг етакчи бўлимларидан бирига раҳбарлик қилди, таҳрир ҳайъати аъзоси сифатида ташкилий даврнинг барча қийинчиликларини енгиб ўтишда жонкуярлик қилди. Унинг ўта меҳнаткашлиги, ҳалол ва поклиги ҳисобга олиниб кейинчалик редакциянинг масъул котиблигига лозим кўрилди. Муҳаррир ўринбосари бўлиб ҳам ишлади.

Айни пайтда у ижодий ўсишда давом этарди. Муҳим мавзуларни, мураккаб муаммоларни кўтариб чиқарди. Юқорида унинг биргина мақоласи хусусида тўхталдик. Кенг жамоатчилик фикрини уйғотган ижодий маҳсуллари кам эмас. Тожикистонда яшаб, ўзбек тилида ижод қилган шоир ва журналист Аширмат Эгамназаров ҳақида «Қурол ва қалам» сарлавҳали бир саҳифали очерки ўша пайтда жамоатчилик томонидан юксак қадрланди. Газета жуда кўплаб хатлар олди. «Мазкур очеркни қардошлик куйи, жанговарлик мадҳи, қаҳрамонлар иши мангулигининг ёрқин ифодаси, деса бўлади, — деб фикр билдирганди Душанбеда ўзбек тилида чиқадиган республика газетасининг муҳаррири Ҳожи Содиқ. — Газетхонларимиз, олимлар ва адиблар билдираётган ўлкан ташаккурни қабул қилғайсиз». «Аширмат билан дўст эдик. Уруш даврида биргаликда олдирган расмимиз ҳали ҳам уйим тўрида сақланмоқда, — деб хотирлабди ўз хатида истеъфодаги генерал-майор, Москвадаги Ҳарбий-Сиёсий академиянинг профессори Е. И. Востоков. — Аширматнинг ҳаёти тўғрисидаги очерк менга катта қувонч бахш этди. Қуролли Кучларнинг Марказий музейига газетангизнинг ўша сонидан бир, имкони бўлса, икки дона юборсангиз ғоят миннатдор бўлган бўлар эдик».

Т. Мирҳодиевнинг ижодига боғлиқ бундай мисолларни яна ва яна келтириш мумкин. «Тонгдан оқшомгача» очерки эълон қилинганига чамаси ўн беш йиллар бўлди. Унда ўша пайтдаги Юқори Чирчиқ туманининг раҳбари ҳақида сўз борарди. Очерк қаҳрамони Акром Алимов (эндиликда у меҳнат ва уруш фахрийлари Тошкент вилояти кенгашининг раиси) ҳали ҳам учрашганимизда очеркни ҳаяжон билан эслайди. Ижодкор учун бундан ортиқ бахт, бундан ортиқ мукофот бўладими?! У «Республикада хизмат кўрсатган журналист» фахрий унвонига муносиб тер тўкяпти. Ўзбекистон Журналистлар уюшмасининг совринини ҳам бекорга олмаган.

15 йил бирга меҳнат қилдик. Шу йиллар мобайнида қолдирган таассуроти шундай: амал ва шуҳратга интилмади, таъмагирчиликдан йироқда бўлди, ҳамиша унинг учун масъулият биринчи ўринда турди.

Қизиқ, кеча шогирд эди, бугун эса ўзининг ўнлаб шогирдлари бор. Ҳамкасблари етук ва жиддий ижодкор сифатида ҳурмат қилишади. Яна шуниси борки, яхши ташкилотчи, ёшларнинг маслаҳатгўйи. У фақат «Қишлоқ ҳақиқати» газетасининг пойдеворига ғишт қўйганлар сафида бўлгани йўқ, айни пайтда «Халқ сўзи» газетасининг ёққа туришида ҳам хизмати катта. Мазкур редакцияда у бўлим мудири, масъул котиб бўлиб хизмат қилди. Эндиликда республикадаги ишбилармонлар ҳамда тижоратчилар ўртасида анча танилиб қолган газета — «Савдогар»нинг ҳам пойдеворини қўйганлардан бири шу бизнинг Тоҳиржон бўлади. Ҳозирги пайтда шу редакцияда муҳаррир ўринбосари бўлиб худди аввалгидек ғайрат ва ташаббус билан меҳнат қилаяпти.

Тоҳиржон олтмишвойлар сафидан ўрин олибди. Шу қутлуғ кунларда ёру-дўстлари, касбдошлари қатори мен ҳам уни чин дилдан қутлайман, умрингга, ижодингга Оллоҳдан барака сўрайман, укажон!

Исмоил СУЛАЙМОНОВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими.

ОНАИЗОР

Ҳали кўкнинг фонуси ўчмаган, ҳали осмон гумбази пештоқида ўз қуёшини излаётган сўнгги юлдузлар порлар эди. Майин эсаётган шабада ҳовлидаги ўрик гулларини само элагидан тўкилаётган қордек тевараклатрофга сочарди. Бирпасда сайроқи қушлар ҳам базм бошлаб юборди. Кушларнинг янгроқ овозиданми ёки қўрқинчли туш кўрибми, Хайринисо хола чўчиб уйғонди. Аланглаб ёнига қаради. Икки яшар набираси пишиллаб ухлаб ётибди. У Собирнинг устига кўрпани аста тортиб, юзига бирпас термулиб ўтирди. Деразадан ташқарига қаради. Оппоқ тонг отарди. Заранг ҳассасига таяниб турди, мункиллаб бориб юзларини ювди.

У титроқ қўллари билан пайпаслаб, ёстиқ тагидаги муштдек тугунини авайлаб очди. Ичида бир сиқим тупроғи бир парча нон...

У тишининг излари қолган ўша бир парча нонни кўзларига суртиб, тупроқни ҳидлади. Қуруқшаб, қони қочган лаблари нималарнидир пичирларди:

Онанинг қайғуси — олам қайғуси,
Онанинг шодлиги — олам шодлиги.
Онанинг юраги — дунё кўзгуси,
Она — бу ҳаётнинг абадийлиги!

Гўё ўша тупроқ она-заминдан экани ҳақида нидо бериб, унинг қулоқлари остида шивирлагандай.

НИДО

Момо Ер бағридан бераман садо,
Сени сўроқлайди мажруҳ юрагим.
Йилларнинг туманли пардаси аро
Сенга сўзлаб берай дилдаги дардим...

— Онажон, бормисан, омонмисан? Яқин олтмиш йилдан бери мен сенга, сен менга зорсан. Ҳамон ўғлим келади, деб мени кутяпсан. Мен сенинг ўғлингман, жуда соғиндим. Яқинроқ кел, ўша серажин қўлларингни бир ўпай, онажон! Мени кечиргил, аҳволингдан огоҳ, оғир кунларингга ҳамдам ҳам бўлолмадим. Негаки, олам тинчи бузилди, ҳижронга тўлди, осмонни қора тутун қоплади, фашизм вабоси олам бошига даҳшат солди. Қимирлаган жон борки, Ватан ҳимоясига отланди. Ўғлинг Тўйчи ўзини четга олармиди?

Биламан, дон ташиб омборини тўлдирган чумолидек, бисотингни тўлдирдинг, борингни менга, келинингга сочмоқчи эдинг, бодом қовоқ Қоракўз билан тўйимизни орзу қилгандинг. Эҳ... осуда кунларнинг завқи бўлакча эди...

***

У Фарғонанинг Сирдарё ёқасидаги Булоқ қишлоғида дунёга келди. Яхши ният билан Тўйчи деб ном беришди. Еттинчи синфни битиришолди отасидан етим қолди. Тўйчининг бобоси Холйигит, отаси Эрйигитлар асли бешариқлик бўлиб, Сирдарё бўйларида чўпонлик қилишган. Тўйчи ҳам ота-она, боболарининг чўпонлик таёғини тутиб, «Пахтакор» жамоа хўжалигида қўйчивонлик қила бошлади.

Сир бўйидаги яйловларда бўрилар билан олишувларда тобланди. Бир куни шундай бўлган: туш пайти. Гармсел эсар эди. Қўй-қўзилар қаерда бута бўлса ўша ерга ўзини урган. Тўйчи ҳам салқинлагани юлғинзорга келди. Қараса, чуқур ариқда бўри оёқларини узатиб ётибди. Тўйчи дафъатан сесканиб кетди. Бўри ташланса, тит-пит қилиб юборади-ку? Бўрида қирқ йигитнинг кучи бор, дейишади. Тўйчи якка, яна бўз бўлса... Йиртқич сезиб қолсами, тамом! Нима қилсин: секин изига қайтиш ё таёқ билан ваҳший бошини мўлжалга олиш... Кейинги фикрини маъқул билди.

МАШЪАЛА

Яқинроқ борди. Заранг таёқ гурсиллади. Қонга беланган бўри ташланмоқчи бўлди. Лекин кетма-кет зарб бўрини ҳолдан тойдирган эди. У чаққонлик билан ваҳшийнинг оёғи-ю тумшуғини чандиб ташлади.

Кечқурун ўлжани елкасига олиб қишлоққа қайтди. Ҳовлининг ўртасига гурс этиб ташлади. Ҳайринисо хола ҳанг-манг:

— Вой, шўрим, бу нима қилганинг, Тўйчи? Қўрқмадингми?

— Нимасидан қўрқади, ўзимни бир синадим-да.

— Ҳа, болам-а, еб кўйсами... Иккинчи бундай қилма.

— Бўрини бўри енгади-да, онам, — ҳазилга йўйди Тўйчи.

Хайринисо хола жим: «Бўрини бўри енгади» дедими? Ҳа, бобоси Холйигит, отаси Эрйигитлар ҳам бўри суриб суяги қотган эди. Тўйчи тушмагур ҳам ўшаларга тортибди. Ботирлик, мерганлик қонида бор. Асли зотингга тортасан, деганлар-ку?! Она шуларни эслаб, ўғлига кулиб қўйди.

Тўйчининг ўлжаси бутун қишлоққа гап бўлди. Ботирлигига тан берилди.

Қоракўз ҳам ўзида йўқ шод эди. Шундай шерзодни севмасинми? Яна «бешик кетди» бўлишса. Бунинг устига бир партада етти йил ўтирган мактабдошлар. Тўйчи-чўпон, Қоракўз — чевар теримчи. Икковлон назардан холи жойларда учрашишарди. Зеро, бахтиёрлик насиб этмай, уруш бошланди. Тўйчи ҳам эр йигитлар қатори жангга отланди. Жўнар чоғида она ният қилиб нон тишлатди. Поезд жилди. Қоракўз қалбида, икковлон кезган Сир бўйлари-ю, Чинорободда ўчмас из қолди.

ЎТ ИЧИДА

Тўйчи Эрйигитов, ҳарбий техникани пухта ўрганди. Запасдаги полкда автомат, пулемёт ва миномётлардан бехато отиш, разведкага бориш машқини олди. 1942 йилнинг июль ойлари Калинин вилоятининг шаҳар ва қишлоқларини душмандан озод қилишда ўзини кўрсатди. Оёғидан яраланиб, даволангач Богатирёв бошлиқ запас полкка қўшилди. Юртдошлари Иброҳим Султонов, Абдураҳмон Жайроновлар билан шаҳар ва қишлоқларни душмандан озод қилишда қатнашди.

Сталинград жанги учун тажрибали пулемётчилар зарур эди. Тўйчи ҳам шу ерга жўнатилди. У немислар ҳужумини қайтариб турди. Моҳир пулемётчи сифатида тилга тушди.

Яна яраланиш, яна госпитал. Кейин Волхов фронти. Бу ерда Дубинский қўмондонлигида ўқчилар дивизияси иккинчи батальонида Ленинградни қамалдан озод қилиш жангида қатнашди. Ўқчи батальон командири Алексей Михайлов Сапрун ротасига шаҳардан ўттиз километрдаги Смердиния қишлоғини озод қилишни топширди. Тигода дарёси қишлоқ оралайди. Жанг авжида. ДЗОТдан ўлат уруғи сочилади. Атроф култепага айланган. Сув юзини қон қоплагандай.

Ёмғир шивирлайди, Тўйчи окопда:

— Ўртоқлар, — дейди у, — буйруқ кутаётган эдик, энди буйруқ ҳам бор. Қасамёд қиламиз, ғалаба йўлида ҳаётимизни ҳам аямаймиз. Ўзим жон фидоликка тайёрман.

Пулемёт бас келолмади. Рота хавф остида. Қандай бўлмасин ДЗОТни парчалаш зарур. Кечикиш қимматга тушарди. У бели ва ёнларига граната боғлаб, ДЗОТ сари эмаклади. Снопко, Мелкумов ва Ҳамроевлар унга эргашдилар.

Улар ер бағирлаб боришаркан, ажал уруғи сачрайди. Снопко ер тишлади. Тўйчи қолган икки дўстига: «Олға, фақат олға!», деб қичқирди. Сал ўтмай Мелкумов билан Ҳамроев ҳам қимирламай қолишди. Тўйчининг ғазаби ортди.

«Ҳаёт ё момот!» Кўнглидан ўтказди у. Ўқлар ёмғири тиним билмасди. Гўё бир-бир оташ ер бағирлаб борарди. Дайди ўқ чап юзини ялаб кетди. Бетлари шилиниб, гўшти осилиб, чалажон бўлиб қолди. Азим тоғлар, тошқин дарёлар, сойлар. Сир бўйи боғлари, гўзал Булоқ қишлоғи, онаизор, Қоракўз кўрингандай бўлди. Нима қилсин, ер тишлаб ётсинми? Икки метрча нарида пулемёт кўз очирмайди. У қонга беланганича оёққа турди-ю йўлбарсдек наъра тортиб, ДЗОТга ташланди, унинг овози ўчди. «Ура!» — садолари янгради. Тўйчи эса нур ёғилаётгандай кулимсираб, мамнун ётарди...

Тўйчи Эрйигитов номи Александр Матросов жасоратини такрорлаган Қудрат Суюнов, Тоштемир Рустамов, Карим Султоновлар қатори қаҳрамонлик саҳифасидан муносиб ўрин олди. Қаҳрамонимиз 1943 йил 5 октябрдан бери халқ тилида достон.

1967 йилнинг кузи. Булоқдаги Тўйчи Эрйигитов номли жамоа директори Абдурафиқ Исматов Хайринисо холани кўргани борди.

— Келинг, келинг, ўғлим, яхши юрибсизми?

— Ўзингиз яхши юрибсизми? Мен ўғлингизнинг олдидан, уни кўриб келдим...

У Ленинградга командировкага борган эди. Қайтишда вилоят ҳарбий комиссарлигига кириб, сиёсий бўлим бошлиғининг ўринбосари, майор Яков Дезин билан учрашди. Майор Ленинградни душмандан озод қилишда Тўйчи Эрйигитов ва ўзбекистонлик бошқа жангчиларнинг мислсиз жасорати ҳақида фахрланиб сўзлади. Абдурафиқ Исматов Яков Дезин билан шаҳар тарих музейида бўлди. Бу ерда Ленинград мудофаасида қатнашган жангчилар ҳақида ҳикоя қилувчи лавҳалар бор эди.

Тўйчидан ташқари, қаҳрамонлардан фарғоналик Набижон Мингбоев, тошкентлик Карим Қосимов, қувалик Обиджон Каримов, янгийўллик Бўри Очиловлар ҳақида маълумот бор. Любань станцияси яқинида эса Тўйчи Эрйигитовнинг 12 метрли монументи савлат тўкиб турибди.

Тез орада Тўйчи Эрйигитовнинг қабрини зиёрат қилиш тараддуди бошланди. Хайринисо буви, қизи Ашурбиби, Тўйчининг ўқитувчиси Эргаш Сангинов, хўжалик раҳбари Абдурафиқ Исматов ҳамда санъаткорлар сафарга чоғландилар.

«Озодлик ва мустақиллик учун олиб борилган жангларда ҳалок бўлган қаҳрамонларга шон-шарафлар бўлсин! Бу ерда уруш қаҳрамони Тўйчи Эрйигитов дафн этилган. 1921 йилда туғилган, 1943 йил 5 октябрь», деган ёзувлар онанинг ярасини янгилади. Олиб келган бир сиқим тупроқни Тўйчининг қабрига сочди. Яна қабрини қучиб, пешонасини мармарга қўйди.

Она ўғлининг «ҳокини» олиб қайтди. У меҳригиё, кўз нури, қалб қўрига айланган. Бешариқдаги ҳайкал ёнида эса мангулик тимсоли сифатида машъал порламоқда.

Ашурали АҲМАД.

ОРАСТАЛИК СИРЛАРИ

Ҳаво илиқ бошлади. Шундай пайтда баҳор қуёши юз теріларига салбий таъсир кўрсатиши ҳам мумкин. Хусусан, сепкиллар бодраб кўрина бошлайди. Ана шундай чоғ аёлларимиз ўзига хос орасталик йўлида изланадилар. Қуйида шу ҳақида тавсиялар берамиз.

Юзингизга малҳам ниқобларидан бирини тайёрлаш учун битта тухум оқини кўпиртириб, 10—12 томчи лимон шарбати қўшинг. Бундай малҳамни юзингизга 2—3 минут қўйиб, кейин илиқ сувда ювиб ташланг. Бу юзингизни таранглаштиришга ёрдам беради. Кейин тухумнинг сариғидан малҳам ниқоби тайёрлаш мумкин. Тухумнинг сариғини бир ош қошиқ ўсимлик мойи ва бир неча томчи лимон шарбати билан аралаштиринг. Ниқобни суркагандан кейин 20 минутгача дам олишга тўғри келади. Сўнг илиқ сувда ювиб, совуқ сувда чайиш яхши самара беради. Бу билан юзингиз майинлашади, бевақт тушадиган ажинларнинг олди олинади.

Бордию кўз ости териси салқиган бўлса, олдини олиш мумкин. Жумладан, янги артилган картошкани қиргичдан ўтказгач докага ўраб, 15—20 минут кўз остига қўйиш керак. Шунингдек, аччиқ чой, мойчечак қайнатмаси билан докани ҳўллаб, фойдаланиш наф беради. Рангпар юзли аёллар ва қорамағизлилар учун алоэнинг шарбати яхши таъсир кўрсатади. Бунинг учун эрталаб ва кечқурун юз бўйинларингизга алоэнинг шарбатидан суркаб туринг. Ана энди ойнага бир қараб кўринга...

Тошкентнинг Ҳамза туманидаги 206 мактабда иш бошлаган «Ситора» санъат дастасининг дастлабки концертини томоша қилган Чкалов номидаги авиация бирлашмасининг томошабинлари муносиб баҳо бердилар. Ансамблга ёш истеъдодли мусиқа ўқитувчиси Севара Холматова бадиий раҳбарлик қилмоқда. Ёш ижрочилар ўзбек халқ қўшиқ ва рақсларини иштиёқ билан ўрганишмоқда.

Суратда: ансамбл рақс ижро этмоқда.

Р. ЧЕРЕПКОВ олган сурат.

Шахмат оламида

МОТ БЎЛДИМ, ДЕЯВЕР...

— Шахмат кишида яхши ахлоқий фазилатларни тарбиялайди, — дейди Ўзбекистон халқ шоири Эркин Воҳидов. — Негаки, у руҳий соғлиқни, жисмоний қувватни ҳам талаб этувчи ўйин. Шахмат яна кишини ичкиликдан, ахлоқий бузуқликдан тийилишига ўргатади. Боиси, бундай ёмон одатлар шахматдек гўзал ва оқил ўйинга бегона. Дона суриш санъати қадимдан ўзининг сирли муъжизаси билан қалбларни забт этиб келмоқда...

Ҳовлимиз шаҳарнинг қоқ марказида эди. Укишларим ёмонмасди, синфимизда биринчилардан эдим. Айниқса, арифметикани севардим. Ўқитувчимиз зарурат билан синфдан чиқгудек бўлса, ўрнига мени қолдирарди. Шундай қилиб, «ўқитувчиликни» бешинчи синфдаёқ «машқ» қилганман. Математика, она-тили ва тарих ўқитувчилари бўш қолгудек бўлишса, дарров шахматдан сўз очиларди...

64 хона, 32 дона, бир хонаси ҳасрат. Хўш, бу жумбоқми ё сўз ўйини?! Бу иборани эшитганимга 50 йилча бўлди. Ўшанда Наманганда Мирсоли Шокиров деган отахон бўларди. Унга одамлар «қизил аълам», «мот аълам» лақабини қўйишганди. Мирсоли Шокиров республикамизда шахмат тараққиётига ҳисса қўшган кишилардан бири. Мирсоли ота ўйини зўрлардан бўлмаса-да, фазилатлари билан ёшларни ўзига жалб қиларди. Ажиб етакчи ва ташкилотчилиги билан шахматчилар даврасининг кенгайишига йўл очарди. Айниқса, ютқазиб бериши билан кўпчиликда шахматга қизиқишни оруттирарди. Унга «мот аълам» деб лақаб қўйилгани шундан. У мот бўлиб турганида ҳам ҳазилкашликни қўймасди. Бўлган воқеалардан бири:

Тошкентлик шахматчи Зокир оқсоқол билан Мирсоли аълам ўйинини қузатиш мақсадида Намангандаги машҳур «Восток» чойхонасига шахмат ихлосмандлари йиғилишди... Бу ерда саҳна ҳам бор эди. Чинакам шахмат клубини эслатарди. Донали шахмат тахтасидан элликтача бор эди. Стол, гиламлар узра чорпоянда ҳам шахмат суришарди. Чойхона ёнидаги кутубхона тинчроқ бўлганидан бу ерда ҳам шахмат ўйналарди.

Чойхонанинг одамлар билан лиқ тўла бўлишига ўйин эмас, балки шахматчиларнинг сўзамоллиги ҳам сабаб бўлган. Бу ерда жиддий шахмат қураши авжига чиқарди. Мирсоли аъламнинг аҳволи танг, ютқазишига сал қолган. Ютқазиб қўйса борми... Ғала-ғовур бошланди: «Аъламимизнинг аҳволи чатоқ, юзимизни яна шувит қилмасайди». «Кучи етмас экан, нега бунча одам тўпладинг. Ютқазиши тайину баландпарвоз гапларини қўймаганини қаранг...» Аълам ўзича жиддийлашди: От билан ҳаммага эшиттириб, рақибига «кишт»» деди ва доналарни йиғиштираркан: «Оқсоқол мот бўлдингиз», деб қўйди. Ўйин биладиганлару оқсоқол ҳайрон. Шахматни унча тушунмайдиганлар эса аъламни қарсакка кўмиб юборишди. Ҳижолатпазликнинг олдини олишга уринган аълам, оқсоқолга шивирлади:

— Яхшиси мот бўлдим, деб турaверинг, бўлмаса бошингиздан бир хумча қатиқ қўйвораман!

Ғирромликни сира тан олмайдиган соддадил аълам шатранжни тарғиб қилиш, одамларга маърифат улашиш важидан шу «ҳунарни» ишлатган бўлса ажабмас. Ҳамиша ютқазиб, кунгил овлаб, ўзига «ҳасрат» катагини маъқул кўрувчи отахон бу гал йўлини топганди.

Мамажон МУҲИТДИНОВ.

Ранг-баранг олам

ОБИ-ДИЙДА КЎЗГА ЗИЁН

Одамлар ўртасида бўлар-бўлмасга йиғлаш фойдали, яъни кўзни ёшартиради, деган фикр юради. Афсуски, телевидение томоша қилаётиб, нохуш воқеалар таъсирида кўз ёш қилиниши зарарли экан. 150 нафар аёлда ўтказилган тажриба шуни кўрсатдики, дардли кинофильмларни томоша қилиш, ўқиниш уларнинг соғлом кўзларига салбий таъсир қилгани маълум бўлди. Шунинг учун оби-дийдани узига хос руҳий гигена тарзида тушуниш нотўғри бўлиб чиқяпти. Уғини сўрасангиз, аёлларимиз қаттиқ севинчдан кулишганда ҳам кўзлари ёшланади-ку! Бунга олимларимиз нима дейишаркин?

ОППОҚҚИНАСИМИ Ё ҚОРАМАҒИЗИ?

Нима учун эркаклар асосан оқбилак аёлларни ёқтиришади, деган масала ҳам ўрганилди. Айтайлик, Германияда ўтказилган тадқиқотлар шуни кўрсатдики, 70 фоиз эркак аёлларнинг оқ ранглисини маъқул кўраркан. Шунинг учунми, малласоч аёллар бошқаларга қараганда барвақтроқ турмуш қуришар экан. Бундай аёллар ўзларининг оппоқ рухсорлари билан эркакларни ром этиб гина қолмай, айни пайтда саховат, мулойимлик ва адолатпарвар эканликлари билан ҳам эътибор қозонишармиш. Оқбилак аёллар бошида 140 мингтагача соч толаси бўлса, бугдойранг аёлларда эса у 110 мингтадан ошмас экан. Бунинг устига оқ танликларнинг сочлари майинроқ бўларкан. Уларнинг терилари ҳам майин бўлиб, қуёш таъсирига кўпам берилмаслиги ўрганилибди.

(«Ўзбекистон овози»нинг навбатдаги сони 11 март, шанба куни чиқади).

Тошкент шаҳар мева-сабзавот бирлашмасига қарашли 5-сон мева-сабзавот комбинати жамоаси комбинат директори Тошпулат Эрнапасовга отаси **Муҳаммад ЭРНАПАСОВнинг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

Бош муҳаррир: Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати:
Абдулла ОРИПОВ, Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ, Азиз НОСИРОВ, Азиз ҚАЮМОВ, Алишер МАРДИЕВ, Аслиддин БОЛИЕВ(масъул котиб), Ислом ШОҒУЛОМОВ, Тўхтамурод ТОШЕВ (бош муҳаррир ўринбосари), Хайрулла ЖЎРАЕВ, Шоқосим ШОИСЛОМОВ, Шуҳрат ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари).

Хатлар ва оммавий ишлар бўлими - 33-76-04, 32-54-06.
Қабулхона -- 33-65-45, 32-55-15.

Реклама ва эълонлар бўлими тел: 33-38-55, 32-54-12.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Андижонда -- 5-27-11; Жиззахда -- 3-31-86; Нукусда -- 7-58-83; Ургончда -- 6-51-35; Фарғонада -- 26-37-16; Бухорода -- 3-54-87; Навоийда -- 3-75-43; Самарқандда -- 35-22-90; Қаршида -- 3-25-79; Гулистонда -- 2-26-22; Наманганда --6-43-43; Тошкентда-- 32-26-70; Қумқўрғонда -- 5-26-24.

• Рўйхатдан ўтиш тартиби №00 120. • Газета офсет усулида А--2 форматида босилади.
• Ҳажми 2 босма табоқ. • Г -- 0098, 48544 нусхада босилди.

Навбатчи муҳаррир Қ. ЭШМАТОВ, навбатчи М. ҚИЁМОВ.



МАНЗИЛИМИЗ: 700083, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй. Босишга топшириш вақти -- 21.00. Топширилди -- 22.00 1 2 3 4 5 6.